O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ... PALATASI INV.№
2005 2006 2007

УШБУ СОНДА:
2 НИЗО ОЙДИНЛАШДИ, ЛЕКИН...
МАЪНАВИЙ ЗАРАР
3 ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТИ
4 ЁМОНДАН ҚОЛГАН "ДОД"

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

№ 1 (407) 2005 йил 4 январ сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

MEZON:

Марказий сайлов комиссияси айрим депутатларнинг ваколатларини ҳақиқий эмас деб топган тақдирда, шунингдек, депутат чақириб олинган, бошқа сабабларга кўра депутатлик ваколатлари муддатидан олдин тугатилган ҳолларда тегишли сайлов округларида янги сайлов ўтказилади. Сайлов Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов ўтказилишига камида бир ой қолганида тайинланади ва ушбу Қонуннинг талабларига риоя қилган ҳолда ташкил этилади. Бунда округ сайлов комиссияси сайловга йигирма беш кун, участка сайлов комиссиялари эса ўн беш кун қолганида тузилади. Депутатликка номзодларни рўйхатга олиш сайловга ўн беш кун қолганида тугалланади.

Қонунчилик палатаси ваколат муддатининг тугашига олти ойдан кам вақт қолганида Қонунчилик палатаси депутатининг ўрни бўшаб қолса, бўшаб қолган ўринга янги депутат сайлови ўтказилмаслиги мумкин.

"ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИГА САЙЛОВ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУН, 47-МОДДА.

ҲАМКОРЛИК ТАРАДДУДИ

Азалий таомилга биноан ҳар бир инсон ҳаётининг муайян даврида ўтган умрига назар ташлайди: қўлга киритган ютуқ ва йўл қўйган камчиликларини таҳлил этиб, келажакдаги орзу-ниятларини бир-бир хаёлдан ўтказади. Шу нуқтаи назардан олиб қараладиган бўлса, ҳар бир корхона ёки жамоани тирик жонга қиёслаш мумкин. Чунки ҳар қандай корхона ёки жамоа ҳам вақти-вақти билан ўз фаолиятини сарҳисоб қилиб туради. Жумладан, оммавий ахборот воситалари ҳам муайян вақт оралиғида ўз ўқувчиси, томошабини ёки тингловчиси олдида ҳисобот бериши ҳам табиий.



Бугун — янги йилнинг илк сонида таҳририятимиз ижодкорлари ҳам ўтган бир йил давомида биз билан елкама-елка бўлган газетхонларимиз олдида ҳисоб беришга жазм этдик.

Таъкидлаш керакки, таҳририятимиз ижодий жамоасининг ўтган 2004 йил давомида амалга оширган барча ишлар — газетхонларнинг кўз ўнгида кечди.

Чунки биз нимаики ёзган бўлсак, газета саҳифаларида эълон қилган бўлсак, барча-барчаси газетхонлар манфаатини кўзлайди десак, хато қилмаган бўламиз. Албатта, улардан балки ўқувчининг кўнгли тўлгандир, балки тўлмагандир... Лекин нима бўлганда ҳам, биз қўлимиздан келганча газетхонлар манфаатларини рўёбга чиқаришга ҳаракат қилдик.

Газета тахламини варақлаб кўрган ҳар бир киши ўтган йил давомида мамлакатимизда турли жабҳаларда олиб борилган ислоҳотлар жараёни таҳририят диққат-эътиборида бўлганига гувоҳлик беради. Бу борада қўлга киритилаётган ютуқлар, айрим ҳолларда йўл қўйилаётган хато-камчиликлар газета саҳифаларида изчил ёритиб борилгани айни ҳақиқатдир. Шунингдек, мунтазам равишда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият тараққиётига хизмат қилувчи илмий-оммабоп мақолалар ҳам мунтазам равишда чоп этиб борилди. Газета саҳифаларидан ўрин олган суд очерклари ҳам ўз ўқувчиларини топди, деб ўйлаймиз. Чунки ўқувчиларнинг қўнғироқлари ва таҳририятга йўллаган мактублари шундай дейишимизга асос бўлади.

Бундан ташқари газетхонларнинг хатлари асосида тайёрланган туркум мақолалар ҳам беиз кетмагани шубҳасиз. Бундай дейишимизнинг боиси шундаки, газета саҳифаларида чоп этилган ҳар бир хат мутасадди идоралар томонидан эътиборсиз қолдирилмади. Бошқача айтганда, кимнингдир ноҳақ топталган ҳуқуқи тикланди, кимгадир фермер хўжалиги тузишига кўмак берилди... Хуллас, кимки бизга ишониб, ёрдам сўраб мактуб йўллаган бўлса, уларни ноумид қилмадик, деб ўйлаймиз.

Энди янги 2005 йилда амалга оширмоқчи бўлаётган режаларимизга тўхталадиган бўлсак, шуни таъкидлаш жоизки, ижодий жамоамиз аъзолари бу йил ҳам ўқувчиларнинг ишончларини оқлашга бел боғлаган. Аниқроқ айтганда, ҳуқуқий мавзуда қалам тебратиш жорий йилда ҳам асосий йўналишларимиздан бирини ташкил этади. Шунингдек, хат йўллаган фуқароларнинг ўй-фикрлар ва мулоҳазаларини газета саҳифаларига олиб чиқиш, керак бўлганда, уларга ҳуқуқий маслаҳат ва ёрдам беришни истиқболдаги асосий вазифаларимиздан бири деб ҳисоблаймиз.

Таъкидлаб ўтиш керакки, ўқувчилар одатдагидек газетанинг биринчи саҳифасида доимий равишда мамлакатимизда юз берётган ислоҳотлар жараёни ҳамда "Истиқлол ва имконият", "Ёшлар овози", "Талаб ва таклиф", "Қонун кўмаги" каби рукнлар остида чоп этиладиган мақолалар билан танишиш имконига эга бўлишади.

Иккинчи саҳифада эса "Таҳрирсиз мактуб", "Ажаб савдолар", "Таассуф", "Дакки", "Савол беринг, жавоб берамиз" рукнлари остида чоп этиладиган таҳлилий чиқишлар ўқувчилар эътиборига ҳавола этилади.

Учинчи саҳифада "Ҳуқуқий маърифат", "Жаҳон тажрибаси", "Надомат", "Жиноятга жазо муқаррар" каби бир қатор рукнлар остида туркум мақолалар чоп этиб бориш режалаштирилган.

Ўқувчиларнинг севимли саҳифаси бўлиб улгурган тўртинчи саҳифада уларни "Умр зийнати", "Чархи кажрафтор", "Тақдир тарихи", "Аср жиноятлари" каби қатор рукнлар остида чоп этиш режалаштирилган қизиқарли мақолалар кутади. Шунингдек, "Суд очерки" рукнида бериладиган мақолалар ҳам ўқувчилар эътиборини тортиши шубҳасиз.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, таҳририят жамоаси ва газетхонлар ўртасидаги ҳамкорлик бу йил ҳам давом этади.

Зеро, халқимизда "қарс" икки қўлдан чиқади, деган нақл бор. Унинг замирида бир олам маъно мужассам. Бинобарин, ҳамкорлик деганда ўзаро ишонч ва бир-бирига нисбатан кўрсатиладиган беғараз ёрдам тушунилади. Шуниси қувончлики, таҳририят ва ўқувчилар ўртасида анчадан буён мустаҳкам ҳамкорлик ришталари мавжуд. Улар жорий йилда янада қалинлашади, деб умид қиламиз.

ТАҲРИРИЯТ

ЎТГАН ҲАФТАНИНГ МУҲИМ ХАБАРЛАРИ

Янги 2005 йилнинг кириб келиши муносабати билан Президент Ислом Каримов Ўзбекистон халқига самимий табрик йўллади.

* * *

Марказий сайлов комиссиясининг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови бўйича айрим округларда такрорий овоз беришни ўтказиш тўғрисида"ги қарори эълон қилинди.

* * *

Президентимизнинг Фармонига кўра, Владимир Норов Ўзбекистон Республикасининг Бельгия Қироллигидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланди.

* * *

Афғонистон Ўтиш Ислом давлати раҳбари Ҳамид Карзай мамлакат ҳукумати таркибига катта ўзгаришлар киритилганлигини маълум қилди.

* * *

Фаластин муваққат маъмурияти раҳбари Маҳмуд Аббос Исроилни Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғи ҳамда Ғазо секторини қамал қилишни тўхтатишга чақирди. Бундан ташқари, сиёсий маҳбусларнинг барчаси озод этилишини талаб қилди. Маҳмуд Аббос ўзининг бу чиқиши билан Фаластин мухторияти раислиги учун сайловолди кампаниясини бошлаганини маълум қилди.

* * *

Америкалик археологлар Жанубий Американинг Перу мамлакати ҳудудида ўта қадимий шаҳар цивилизацияси кўринишларини топишга муваффақ бўлишди. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, ушбу шаҳар эрамиздан 3 минг йиллар аввал ташкил топган.

* * *

Франциянинг Мюлуз шаҳрида жойлашган кўп қаватли бинонинг портлаши натижасида 15 киши ҳаётдан кўз юмган, ўнлаб кишилар турли даражадаги оғир тан жароҳатлари олган.

* * *

Жануби-Шарқий Осиё давлатларида юз берган зилзила ва тўфонлар оқибатида сўнгги маълумотларга қарагандa Шри Ланкада 12 минг, Индонезияда 10 минг, Ҳиндистонда 6300, Таиландда эса 2 минг нафар киши ҳаётдан кўз юмган.

* * *

Шахмат бўйича жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов "Йилнинг энг яхши спортчиси" деб тан олинди.

Qonun dastagi

НАЗОРАТ ТАДБИРИ

У АСОСЛИ БЎЛСАГИНА САМАРА БЕРАДИ

Хоразм вилоят "Иссиқлик манбаи" очиқ ҳиссадорлик жамияти раиси Ҳ.Жумабоев ва бош ҳисобчи М.Арслонова 2004 йили **"Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"**ги кодекснинг 215-моддаси 1-қисмига биноан катта миқдорда жаримага тортилди. Бунга Урганч шаҳар Статистика бўлими томонидан ўтказилган бир текшириш сабаб бўлди. Шу ўринда биз жаримага сабаб бўлган камчилик ва нуқсонлар ҳақида баҳс юритиш ниятидан йироқмиз. Эҳтимол, корхона ҳисобхонаси фаолиятида баъзи бир нуқсонлар чиндан ҳам мавжуддир. Бироқ текширишни қонун таомилларига мувофиқ ўтказиш ва уни расмийлаштиришда ҳуқуқий меъёрлардан анча четга чиқилгани охир-оқибат кундай равшан бўлиб қолди.

Албатта, ҳар қандай назорат-тафтиш тадбирлари қонуний доирасида ўтказилиши шарт. Зеро, тадбир ўтказишдан кўзланган мақсад ҳам қонунийликни таъминлаш, хато-қусурларнинг олдини олишдан иборатдир. Буни энг аввало, текширувчиларнинг ўзи яхши билиши керак. Бу соҳадаги ишларнинг сарагини-саракка, пучагини-пучакка ажратиш учун назоратчидан пухта билим, маҳорат, ҳалоллик, поклик, ҳушёрлик сингари фазилатлар талаб этилиши ҳам ҳаммамизга яхши маълум.

Аммо назоратчининг ўзида бу фазилатлар етишмаса-чи?

Бундай вазиятда қонун тафтишчи томонидан бузилиши ҳеч гап эмас. Юқоридаги текширишда ҳам худди шундай ҳолат кузатилади. Бошқача айтганда, **"Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"**ги кодекснинг 308-моддаси талаблари қўпол равишда бузилган. Яъни "айбдорлар" жазоланди-ю, бироқ унинг ҳужжати расмийлаштирилмади...

Шуни айтиш керакки, баённома — текшириш ўтказилгани ҳамда унинг қонунийлигини тасдиқловчи бош ва асосий ҳужжат ҳисобланади. Афсуски, юқорида қайд этилган текширишда текширувчилар уни расмийлаштиришни "унутиб" қўйишган. Башарти баённома расмийлаштирилмас экан, текширишни бемалол ноқонуний, деб ҳисоблаш мумкин. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, "Иссиқлик манбаи" корхонаси раҳбарларига ҳам ноўрин ва бемаврид жарима солинган.

Афсуски, кейинги пайтда бундай пала-партиш ва чала-ярим текширишларга бот-бот дуч келинмоқда. Энг ажабланарлиси шундаки, шаҳардаги айрим назорат идоралари мутасаддилари текширишларнинг сифати ва самарадорлигига эмас, балки сонию миқдорига маҳлиё бўлиб юришибди.

(Давоми иккинчи бетда)

Huquqiy himoya

ТЎҒРИЛАНГАН ХАТО

Собиқ шўро даврида юртимизга юксак технологиялар у ёқда турсин, ҳатто оддий ишлаб чиқариш техника ускуналари ҳам онда-сонда келтирилар эди. Биргина қишлоқ хўжалиги учун ниҳоятда зарур бўлган тўр қопларни оладиган бўлсак, у ҳам четдан келтириларди. Мустақиллик йилларида ана шу турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилади-ган қўшма ва маҳаллий корхоналар сони юртимизда 35 тага етди.

Энг қувонарлиси шундаки, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган мазкур товарлар хорижда ҳам тобора харидоргир бўлиб бормоқда.

Қибрай туманида жойлашган Ўзбек-Корея "BOW Co LTD" қўшма корхонаси ана шундай полипропилен ва полиэтилен қоришмаларидан тўр қоплар ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, 1998 йил 21 июлда Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтган. Корхонанинг устав жамғармаси 665 минг АҚШ долларини, шу жумладан, чет эл инвестицияси 500 минг АҚШ долларини ташкил этади. Қўшма корхона 2002 йилда 9,4 миллион дона, 2003 йилда эса 9,9 миллион дона тўрқоп ишлаб чиқарган.

Бозор иқтисодиёти шароитида рақобатга дош бериб, юксак натижаларга эришишнинг ўзи бўлмайди. Барқарор ишлаётган ана шундай корхоналар давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Аммо айрим ваколатли идораларнинг билиб-билмай туппа-тузук фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектини ишларига аралашаётган ҳолатлар ҳам йўқ эмас.

Биз бу ўринда қайси идора қачон ва кимни текширишни кераклиги тўғрисида маслаҳат бермоқчи эмасмиз. Лекин бунга қарамай баъзи мулоҳазаларимизни айтишни лозим топдик.

Гап шундаки, ишлаб чиқариш технологиялари табиий равишда кундан-кунга мураккаблашиб, такомиллашиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Бундай жараёнларни текшириш ҳам назоратчилар томонидан илмий малака ва салоҳият талаб қилади.

Шунинг учун ҳам аввало, қонун ва меъёрий ҳужжатларни мукаммал билиш ва тўғри талқин этиш ҳар бир текширишнинг асосий шарти ҳисобланади.

Тошкент вилояти адлия бошқармасининг саъй-ҳаракатлари билан ана шунга ўхшаш қонунбузилиш ҳолатининг олдини олишга мувофиқ вожлантириш ҳудудий бошқармаси 2004 йил 3 мартда 015-25-06/096-рақамли сўров хати билан мурожаат этиб, корхонамизнинг ишлаб чиқариш қўлами тўғрисида айрим маълумотларни тақдим этишимизни сўраган эди. Биз белгиланган муддатда сўралган маълумотларни ёзма равишда ҳавола этдик.

Орадан кўп ўтмай бир гуруҳ вакияларимизни ҳудудий бошқарма идорасига чақиришиб, "BOW Co LTD" қўшма корхонасини монопол корхоналар реестрига киритиш лозимлигини айтишди. Тошкент вилоятида ана шундай қоплар ишлаб чиқараётган ягона корхона эканимизни асос сифатида кўрсатишди. Бироқ бундай қарорга келишларига сабаб бўлган таҳлилий ҳужжатларни нима учундир бизга кўрсатишни лозим топишмади.

(Давоми иккинчи бетда)

Эътироф

ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР ТАНТАНАСИ

Мамлакатимизда яқинда бўлиб ўтган сайлов жараёнларида кўплаб халқаро кузатувчилар иштирок этишди. Улар мамлакатимизда демократик ислоҳотлар изчил давом этаётганини ўз кўзлари билан кўришди ва бу борадаги мулоҳазаларини баён этишди. Қуйида ана шундай фикрлардан бири билан танишасиз.

М. АГИБАЕВА,
Халқаро кузатувчи,
Қозоғистон Республикаси "Юрист" журнали бош муҳаррири

Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтган сайловларга халқаро кузатувчиларнинг катта гуруҳи ташриф буюрганлиги ҳам жаҳон ҳамжамиятининг Ўзбекистондаги бу тадбирга катта қизиқиш билан қараётганлигидан бир далолатдир. Марказий сайлов комиссияси бу муҳим сиёсий тадбирнинг ташкилотчиси сифатида кузатувчиларга ўз миссиясини амалга оширишлари учун барча зарур шарт-шароитларни яратиб берди.

Демократик сайловлар ўтказиш учун мустаҳкам ҳуқуқий асоснинг яратилиши, шунингдек, Ўзбекистонда бу сайловларнинг ташкил этилиши ва ўтказилиши республиканинг ижтимоий-сиёсий ривожидаги янги босқичдир ва шубҳасиз, кучли фуқаролик жамияти барпо этишга қаратилган демократик жараёнларнинг кейинги тақдири уларнинг натижасига боғлиқдир. Ўзбекистонда сайлов кампаниясига тайёргарликнинг ўзидан ҳам кўриниб турибдики, мамлакатда демократик ислоҳотлар давом этмоқда ва икки палатали парламентга ҳамда халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари учун ўтказилган сайловлар бу йўлдаги навбатдаги қадам бўлади.

(Давоми учинчи бетда)

Huquqiy ma`rifat

МЕРОС ҚАНДАЙ БЎЛИНАДИ?

Ҳаётимизда кўпгина ҳуқуқий муносабатлар қатори мерос билан боғлиқ масалалар ҳам алоҳида ўрин тутади. Шу боис, ҳар бир фуқаро мерос ҳуқуқи ва унга оид қонунлардан хабардор бўлиши бу борада юзага келиши мумкин бўлган низоларнинг олдини олади. Баъзан ҳаётда айрим кишилар ота-она ёки қариндошларининг оғзаки равишда мулкини унга қолдириш тўғрисида айтган сўзларига асосан ўзларини меросхўр деб ҳисоблаб турли маъмурий идораларга мурожаат қилади. Аммо мерос бўйича мулки шахсларга фақат икки хил йўл билан, яъни қонун ҳамда васият бўйича қолдирилади.

Шуни айтиш керакки, меросга оид қонун-қоидалар Фуқаролик кодексининг V бўлим 66-67-68-бобларида батафсил ифода этилган.

Шундан келиб чиқиб, фикр юритадиган бўлсак, ворислик асослари — мерос очилган пайтда ҳаёт бўлган мерос қолдирувчи билан қариндошлик муносабатида бўлган шахслар қонун бўйича меросхўрлар қаторига киради ҳамда қариндошлик доирасига қараб, Фуқаролик кодексининг 1135-1141-моддалари талабига мувофиқ ворисликка чақирилади.

Биринчи навбатда ворислар қаторига мерос қолдирувчининг болалари (шу жумладан, фарзандликка олинган болалари), эри (хотини) ва ота-онаси (фарзандликка олувчилар) тенг улушда меросхўр ҳисобланади.

Иккинчи навбатда ворислар қаторига мерос қолдирувчининг туғишган ҳамда она (ота) бир, ота (она) бошқа ака-укалари ва опа-сингиллари, шунингдек, унинг ҳам ота, ҳам она тарафдан бобоси ва бувиси киради.

(Давоми учинчи бетда)

Qonun dastagi

НАЗОРАТ ТАДБИРИ

У АСОСЛИ БЎЛСАГИНА САМАРА БЕРАДИ

(Давоми. Боши биринчи бетда.)

Наҳотки, баъзи "ёшулли"лар мамлакатимизда демократия ва қонун устуворлигига алоҳида эътибор билан қаралаётгани, маъмурий буйруқбозлик иллати бартараф этилаётгани, ғаразли, шубҳали ва шахсий манфаатлар кўзланган, итоатда ушлашга қаратилган текширишлар даври аллақачон ўтиб кетганини пайқамаётган бўлишса?!

Чиндан ҳам, бундай таъна-дашномларда жон бор, эътирозлар бежиз эмас. Ноўрин ва нохолис текширишларнинг пайини қирқиш — тадбиркорлик ва мулкчиликка кенг йўл очиш билан баробар. Давлатимизнинг жамият равнақини таъминлашга қаратилган изчил иқтисодий сиёсати текширишлар ҳажмини муттасил қисқартириб боришни тақозо этмоқда.

Шунинг учун Урганч шаҳридаги шаҳар санитария-эпидемиология назорати Маркази, Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш, Статистика, Ёнғин хавфсизлиги бўлимларининг текширишларни канда қилмай ўтказишга қаратилган кўплаб таклифлари ушбу комиссия томонидан рад этилди.

Кишини таажжубга соладиган томони шундаки, шаҳар санитария-эпидемиология маҳкамаси назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш комиссиясига 2003 йил мобайнида 289, 2004 йил давомида эса 275 марта текшириш ўтказиш учун рухсат беришни сўраб мурожаат қилган. Бу талабнинг мувофиқлиги, тааллуқлилиги ва албатта, қонунийлигини атрофлича ўрганиб чиққан вилоят комиссияси эса санитария-эпидемиология марказининг аксарият талабларини рад этган ҳолда 2003 йили 84 та, 2004 йили эса 58 та текширишга рухсат берди. Текшириш ўтказишга астойдил тарафдор ва талабгорлар бахсида шаҳар меҳнат, иш таъминоти ва ижтимоий ҳимоя идораси ҳам "фаол" иштирок этаяпти. Асосий вазифаси текширишдан кўра ҳамшаҳарлар манфаатларини кўпроқ ҳимоя қилишдан иборат бўлган ушбу идора 2004 йилнинг биринчи ярмида 112 та назорат тадбирига рухсат сўраган. Ҳақиқатда эса, атиги 37 та текширишга рухсат берилди, холос. Урганч шаҳар Статистика бўлимининг ўзига тобе мижозларни чиғириқдан ўтказишга қаратилган режаси ҳам деярли барбод бўлди. Бўлим 2004 йил мобайнида жами 59 та хўжалик субъекти фаолиятини тафтиш этмоқчи эди. Амалда эса 19 та текширишга рухсат берилди.

Қонун талабини менсимаган ва оқибатини ўйламай тузилган ҳавойи режалар ана шу тариқа чиппакка чиқди. Бунга қонун кўмаги туфайли эришилди.

Мамлакатимизда қарор топаётган қонун ва адолат меъёрлари тадбиркорлик фаолиятини қўллабқувватлаб келмоқда. Бироқ ҳамон отдан тушсаям, эгардан тушишни истамаётган айрим ўзи хон, қўланкаси майдон "назоратчилар" бугун ҳалол ва покдомон, фидойи ва ватанпарвар тадбиркорнинг даври келганини ҳеч бўлмагандан кўра, кеч бўлса-да, англаб етишлари зарур. Қолаверса, кўр-кўрона ёки номига, саводсизларча ўтказиладиган текширишларга ҳеч зарурат йўқ ва ундан ҳеч ким наф кўрмайди. Адлия вазирлигининг Хоразм вилоятида текширувчиларни текширишга қаратилган навбатдаги режали тадбири давомида бу каби камчилик ва нуқсонлар ҳам юзага қалқиб чиқди. Чунончи, шаҳар Ёнғин хавфсизлиги бўлими мутасаддиларининг топшириғига мувофиқ, "Меҳр-мурувват" хусусий фирмасида текшириш ўтказилгану, унга оид буйруқ ҳамда тафтиш режасини текширилувчига тилхат орқали тақдим этиш хотирдан кўтарилган. "Султон Войис" хусусий фирмасида ўтказилган суриштирув юзасидан эса далолатнома расмийлаштирилмаган.

Албатта, буларни икирчикир деб бўлмайди. Негаки, йўл қўйилган ҳар битта хато ва камчилик ортида қонунсизлик ва адолатсизлик сингари иллатлар мавжуд. Бу каби ҳуқуқий меъёрлардан чекиниш оқибатида мамлакатимизда қарор топаётган демократия тамойилларига рахна солмаслигига ҳеч ким кафолат беролмайди. Масаланинг жиддийлиги ва эътибор талаблиги ҳам ана шунда. Мавжуд хато ва нуқсонларни муросасизлик йўли билангина бартараф этиш мумкин. Бизнингча, урганчлик "ёшулли"лар ушбу масъулиятли ва етилган масалани жиддий эътибор ва ишчанлик йўли билан бемалол ҳал этишади. Бу масалада Урганч шаҳри ҳокимлиги мутасаддиларига беистиҳола ишонса бўлади.

Абдулла СОБИРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Sud islohotlari

МАЪНАВИЙ ЗАРАР

У ҚАЧОН ВА ҚАНДАЙ УНДИРИЛАДИ?

Таъкидлаш лозимки, инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишни таъминлаш мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Шу боис ҳар ким бузилган ҳуқуқи тикланиши ҳамда унга етказилган моддий ва маънавий зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақлидир.

Маънавий зарарни қоплаш масалалари Фуқаролик ва меҳнат кодекслари ҳамда **"Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"**ги ва **"Акциядорлар жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"**ги каби бир қатор қонунлар билан тартибга солинади.

Судлар жабрланувчига жисмоний ва маънавий азоб етказилган факти нима билан тасдиқланиши, у қандай ҳолатларда ва қандай ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) билан етказилгани, зарар етказувчининг айб даражаси, жабрланувчини қандай маънавий ва жисмоний азоблар тортгани, уни қоплашни қандай миқдорда баҳоланиши ва низони ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатларни аниқлаши зарур.

Маънавий зарар жумладан, яқин қариндоши вафот этиши сабабли ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини давом эттира олмаслик, ишини йўқотиш, оилавий ва тиббий сирларини ошкор қилиш, фуқароларнинг шаъни, қадр-қиммати, ишчанлик обрўсига путур етказувчи ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатиш, ҳар қандай бошқа ҳуқуқларини вақтинча чеклаш ёки улардан маҳрум қилиш, етказилган зарар ёки соғлиққа бошқача етказилган маънавий азоблар натижасида бошидан ўтказилган бошқа касалликларда намоён бўлади.

Фуқаролик кодексининг 1021-моддасига биноан маънавий зарар етказганлик учун жавобгарликнинг келиб чиқишига асос бўлувчи шартларидан бири зарар етказувчининг айби бўлиши ҳисобланади. Қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган ҳолатлар бундан мустаснодир. Масалан:

- зарар фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига ортиқча хавф манбаи томонидан етказилган бўлса;

- зарар фуқарога уни қонунга хилоф ҳукм қилиш, жиноий жавобгарликка тортиш, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни ёки муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат олиш ёки уни қонунга хилоф равишда ушлаб туриш натижасида етказилган бўлса;

- зарар ор-номус, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўэтиборини ҳақоратловчи маълумотларни тарқатиш туфайли етказилган бўлса, етказувчининг айбидан қатъи назар, қопланиши шарт.

Агар маънавий зарар жабрланувчига етказилган зарарни қоплашни назарда тутган қонун кучга киргунга қадар етказилган бўлса, шунингдек, даъвогар бундай қонун кучга киргандан кейин ҳам маънавий ва жисмоний азоб ҳис қилаётган бўлса ҳам даъвогарнинг бу ҳақдаги талабини қаноатлантиришга ҳақли эмас. Чунки зарар етказилган вақтда жавобгарликнинг бу тури белгиланмаган бўлган ва умумий қоидага кўра, содир қилинган вақтда амалда бўлган қонунда белгиланган қонунга хилоф ҳаракатга нисбатан жавобгарликни кучайтирадиган қонун орқага қайтиш кучига эга бўлиши мумкин эмас.

Лекин даъвогарга етказган маънавий ва жисмоний азоблар учун жавобгарнинг хилоф ҳаракати (ҳаракатсизлиги) маънавий зарар етказилгани сабабли жавобгарликни назарда тутадиган қонун кучга киргунга қадар бошланган бўлса, бундай ҳолатда маънавий зарар қопланади.

Меҳнат кодексининг 112-моддасига биноан суд меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилинганлик ёки ходимни ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказганлик оқибатида ходимга етказилган маънавий азобларни қоплаш мажбуриятини иш берувчига юклаши мумкин.

Иш берувчига бундай мажбурият асоссиз интизомий жазо қўлланилганда, бошқа ишга ўтказиш ноқонуний равишда рад қилинганда, ишдан четлатилганда, меҳнат дафтарчаси, иш ҳақи, шунингдек, бошқа тўловлар ўз вақтида бермаганликда ҳам юклатилиши мумкин.

Фуқаронинг ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотларни тарқатилиши сабабли маънавий зарарни қоплашни тартибга солувчи қоидалар юридик шахснинг ишчанлик обрўсини ҳимоя этишга нисбатан ҳам тегишли йўсинда татбиқ қилинади.

Маънавий зарар бундай маълумотларни тарқатган шахсдан, агар бу маълумотлар тегишли ҳужжатларда бўлса, уларни маъқуллаган (гуруҳ) комиссия аъзоларининг ҳар биридан ундирилиши лозим.

Суд маънавий зарарни ундириш ҳақидаги масалани даъво билан бирга ва алоҳида ҳам кўриши мумкин. Чунки амалдаги қонунчиликка асосан етказилган маънавий зарар учун жавобгарлик мулкий зарарнинг мавжудлиги билан боғлиқ эмас.

Жиноят процессуал кодексининг 57-моддасига мувофиқ жабрланувчи, яъни жиноят туфайли маънавий зарар кўрган шахс жиноят иши юритилиши жараёнида маънавий зарарни қоплаш ҳақида фуқаролик даъвосини кўзғаш ҳуқуқига эга.

Агар жиноят иши кўрилаётганда маънавий зарарни қоплаш ҳақида арз қилинмаган бўлса, Фуқаролик процессуал кодексининг 245-моддасига асосан бундай даъво фуқаролик иш юритиш тартибида ундирилиши мумкин.

Шу ўринда реабилитация этилганнинг маънавий зиённи ундиришга бўлган ҳуқуқи оқлов ҳукми чиқарилган ёки жиноят иши тугатилганидан кейин вужудга келишини назарда тутиш лозим (ЖПКнинг 302, 306, 309 ва 310-моддалари).

Шахсни ғайриқонуний тарзда маъмурий жавобгарликка тортиш ҳолларида ҳам маънавий зиённи ундириш ҳуқуқи вужудга келади (МЖтКнинг 271-моддаси).

Маъмурий иш бўйича жабрланувчи ҳам қонунбузарнинг ҳаракатлари натижасида етказилган маънавий зарарни ундириш ҳуқуқига эга.

Етказилган маънавий зарарнинг қанча миқдорда қопланишини аниқлаш асосан суднинг ихтиёрига берилган бўлса-да, лекин қонунчиликда ҳам муайян ҳолатлар белгиланган. Маънавий зарарни қоплаш миқдори жабрланувчига етказилган жисмоний ва маънавий азобларнинг хусусиятига, зарар етказувчининг айб даражасига эътибор берилган ҳолда суд томонидан аниқланиши назарда тутилган. Шу билан бирга етказилган маънавий зарарни қоплаш миқдорини аниқлашда суд иккита янги умумий талабга риоя этиши лозим. Улардан бири оқилоналик бўлса, иккинчиси адолатлиликдир.

Буни қуйидаги мисолларда ҳам яққол кўриш мумкин. Фуқаро Неъмат Наврўзов "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг Когон филиалига нисбатан қонунсиз эгалланган мулкни қайтариш ва етказилган маънавий зарарни ундириш тўғрисида фуқаролик ишлари бўйича Когон туманлараро судига мурожаат қилган. Суднинг 2004 йил 4 май кунидаги ҳал қилув қарори билан банкдан Н.Наврўзовга 150000 сўм маънавий зарар ундирилган.

Фуқаро Шокир Маъмуров фуқаролик ишлари бўйича Бухоро шаҳар судига даъво ариза билан мурожаат қилиб, ўтган йил 20 октябр куни соат 17 larда велосипедда ишдан қайтаётган пайтида Ромитан шаҳри, Нурафшон кўчаси ҳудудида жавобгар Муроджон Сафаров ўзининг "Москвич-412" русумли автомашинасида уни уриб кетганини баён этган. Жавобгардан сотиб олган дори-дармони, велосипед пули ва маънавий зарарни ундириб беришни сўраган.

Суднинг ҳал қилув қарори билан даъвогар Шокир Маъмуровга жавобгар Муроджон Сафаровдан жиноят натижасида етказилган моддий ва 100000 сўм маънавий зарар ундириб берилган.

Умуман айтганда, ўтган йил давомида фуқаролик ишлари бўйича Бухоро вилояти судида маънавий зарар билан боғлиқ 70 дан зиёд низоли иш кўрилган. Очиғи, бу йўналишдаги ишлар кўрилишида бир қатор муаммолар мавжудлиги маълум бўлди. Масалан, маънавий зарарни ҳисоблаш ва унинг ҳажмини аниқлаш ана шундай муаммолар сирасига киради. Бизнингча, маънавий зарар миқдорини белгилашда жабрланувчининг унга етказилган зарарнинг оғирлигига субъектив баҳо берилишига боғлиқ. Шу билан бирга маънавий ва жисмоний азоблар даражасини кўрсатувчи объектив маълумотлар зарар етказувчи ва жабрланувчининг айб даражалари, зарар етказувчи шахснинг моддий аҳволи ҳамда бошқа ҳолатлар ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқдир.

Маънавий зарар ундириш номоддий бойлик ва шахсий номулкий ҳуқуқни ҳимоя қилиш воситаларидан биридир. Шундай экан, Фуқаролик кодексининг 63-моддаси 1-бандига асосан маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги талабга даъво муддати қўшилмайди.

Маълумки, маънавий зарарни ундириш пул шаклида амалга оширилади. Бироқ у номулкий зарар, деб ҳисобланади. Мазкур ҳолатлар бўйича зарар миқдори Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрда қабул қилинган "Давлат божи ставкалари тўғрисида"ги қарорининг 1-моддаси "д" банди асосида ундирилади. Шу сабабли даъвогарларнинг қонунда белгиланган ҳолатларда давлат божини тўлашдан озод қилиниши масалаларини суд амалиётида назарда тутиш лозим, деган таклифни билдирмоқчимиз.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, судьялар маънавий зарар билан боғлиқ ишларни кўришда иш ҳолатларини ҳар томонлама ва тўлиқ ўрганиб, даъвогарнинг руҳий ҳолати ҳамда талабнинг қонунийлигига ишонч ҳосил қилгач, ишни адолатли ҳал этишлари лозим.

Раҳима САИДОВА
Бухоро вилояти

Taassuf

ҲИСОБДАН "АДАШГАН" ҲИСОБЧИЛАР

2001 йилнинг сентябр ойида Сурхондарё вилоят статистика бошқармаси бошлиғи лавозимига тайинланган Фарҳод Маъруров дастлабки пайтларда ишга астойдил киришди. Натижада бошқармадаги ишлар бироз олға силжиди. Афсуски, бу ҳол узоқ давом этмади. Янги бошлиқ нафсини тиёлмади ва қинғирликка қўл урди. У бошқарма ҳисобидаги маблағларни эгри йўллар орқали ўзлаштириш режасини тузди.

Ольга Власова, хазиначи Лариса Чернова ва бошқарманинг моддий жавобгар шахси ҳисобланган Илҳом Эшназаровни ҳузурига чорлади ҳамда уларга осон пул топиш сирларини баён этди.

Кўр кўрни қоронғида топади деганларидек, шериклар дарҳол бир қарорга келишишди.

Белгиланган режага асосан 2002 йилнинг 11, 22, 24, 28 январ кунларидаги 62798, 62799, 628000, 630901-сонли чек варақчаларига бошқарма бошлиғи Ф.Маъруров жимжимадор имзо қўйиб, муҳр босди. Бош ҳисобчи О.Власова ҳам уни имзоси билан тасдиқлаб, хазиначи Лариса Черновани "Ўйжойжамғармабанк"нинг Сурхондарё вилояти бўлимига нақд пул олиб келиш учун жўнатишди. Уюшган гуруҳ 2002 йилнинг январ ойида банкдан олинган 3.485.000 сўмлик нақд пулларнинг 1.850.000 сўмини бошқарма хазинасига кирим қилишди-да, қолган 1 миллион 585 минг сўм нақд пулни ўзаро бўлиб олишди. Ҳамтовоқлар "операциянинг" муваффақиятли ўтганини кўриб янада руҳланишди. 2002 йилнинг феврал ойида бошқарма ходимларининг иш ҳақи ва бошқа харажатлар учун банкдан олиниши лозим бўлган 2 миллион 480 минг сўм ўрнига бошқарма бошлиғи Ф.Маъруров ва бош ҳисобчи О.Власова имзо қўйган 63090К, 63096, 63097, 630909-сонли чекларни хазиначи Л.Чернова "Ўйжойжамғарма банк"нинг вилоят бўлимига тақдим этиб, 4 миллион 730 минг сўмлик нақд пулни олади. Бу маблағнинг бошқарма хазинасига тўлиқ кирим қилмасдан 2 миллион 250 минг сўмини ўзаро талон-тарож қилишади. Бош ҳисобчи О. Власова бу қинғирликдан хабардор бўлса-да, феврал ойи ҳисоботини қалбакилаштириб, ўша ойдаги ҳисоботни "тўғри" дея қабул қилган. Ҳисоботга кирмай қолган 2 миллион 250 минг сўм пул эса гуруҳ ўртасида тақсимланган.

Шу тариқа ҳамтовоқлар 2002 йилнинг апрел ойида банкдан олинган 5 миллион 180 минг сўм нақд пулнинг 2 миллион 210 минг сўмини ўз манфаатларига ишлатишди.

2002 йилда бошланган давлат маблағини ўмариш бошқарма моддий жавобгар раҳбарияти томонидан 2003 йилда ҳам шиддат билан давом этказилди. Жумладан, 2003 йилнинг феврал ойида 647315, 647316, 647319, 647322, 647323 ва 647324-сонли банк чеклари бошқарма бошлиғи Ф.Маъруров ва бош ҳисобчи О.Власова томонидан қалбакилаштирилиб, 3 миллион 710 минг сўм шахсий эҳтиёжлар учун ўзлаштирилиб юборилди.

Ҳар нарсанинг меъёри бўлганидек, қинғирликнинг ҳам чегараси бор. Сурхондарё вилояти статистика бошқармасидаги талон-тарожликнинг охири судга бориб тақалди. Жиноят ишлари бўйича Термез шаҳар суди айбдорларнинг қилмишига яраша тегишли жазо тайинлади. Давлатга келтирилган моддий зарар айбдорлардан ундириладиган бўлди. Лекин шу ўринда бир қатор саволлар туғилади: йиллаб давом этган талон-тарожликларнинг олди вақтида нега олинмади? Давлат маблағи билан молиялаштирадиган вилоят статистика бошқармасида узоқ вақт мобайнида негадир молиявий тафтишлар ўтказилмасдан фақат аудит текшируви билан чегараланиб қолингани ачинарлидир. Бунинг оқибати баён этилган ҳунук воқеани келтириб чиқарди. Бундан мутасаддилар қандай хулоса чиқаришар экан?

Аҳмад МУРОДОВ,
ҳуқуқшунос
Собир ЁДИКОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Dakki

НИЗО ОЙДИНЛАШДИ, ЛЕКИН...

Ҳаётда озгина эътиборсизлик, билиб-билмай йўл қўйилган хато ёхуд қонун моҳиятини англамаслик охир-оқибат ортиқча сарсон-саргардонликка олиб келади. Тўғри, йўл қўйилган хато тузатилмай қолмайди. Лекин кўнгилда қолган хираликни кеткизиш осон кўчмайди. Шу ўринда мақсадга ўтадиган бўлсак, Ғаллаорол туманидаги "Бўстон" ширкат хўжалиги иқтисодий таназзулга йўл тутганди. Шу сабабдан ҳам, ширкат хўжалигини Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги қарорига асосан тўлиқ фермер хўжаликларига айлантириш бўйича туман комиссияси иш олиб борди. Мазкур комиссия ширкат хўжалиги ер майдонларини янгидан ташкил этилаётган ҳамда фаолият кўрсатаётган илғор фермер хўжаликларига қўшиб бериш мақсадида 2003 йилнинг 19 декабрида ўзининг навбатдаги тендер танловини ўтказади.

Ширкат хўжалиги ҳудудидаги "Тўраев Бегимқул ота" фермер хўжалиги раҳбари Файзулла Тўраев ҳам туман комиссиясига қўшимча ер майдони ажратишни сўраб, ариза билан мурожаат қилади. Кейинчалик эса фермер хўжалиги аризада қўшиб беришни сўраб кўрсатган ер майдони бўйича ўтказилган тендер танловида ғолиб чиқади. Шу боис комиссия томонидан унга 41 ва 42-контурлардаги 14,5 гектар ер майдонини қўшиб бериш ҳақида қарор қабул қилинади. Мана шу ҳужжатга асосан 2004 йилнинг 30 мартида туман ҳокимининг "Тўраев Бегимқул ота" фермер хўжалигига 41-42 контурлардан 14,5 гектар ер майдони қўшиб бериш ҳақида 436-сонли қарори қабул қилинади.

Албатта, қўшимча ер майдонининг ажратилиши фермер хўжалиги аъзоларини қувонтирди.

Бироқ донишмандлар қувонч билан ташвиш бақамти юради, деб бежиз айтишмаган экан. Гап шундаки, қўшни "Мулкуш" фермер хўжалиги раҳбари Асад Уролов ҳамда унинг ўғиллари Мусурмон, Фарҳод, Баҳодир ҳе йўқ, бе йўқ "Тўраев Бегимқул ота" фермер хўжалигига қонуний тартибда ажратилган 41-контурдаги ер майдонининг 1 гектарига ғалла экиб олишади. Бу ҳам етмагандек, улар ана шу 1,3 гектар майдоннинг уч жойига иморат қуриш учун ҳаракатни бошлаб юборишади.

Табиийки, бундан очиқ-ошкор ноҳақлик фермер хўжалиги раҳбарига оғир ботади. Шу боис у "Бўстон" ширкат хўжалиги бош ҳисолоти С.Эрбўтаев, ер тузувчи Ш.Хидиров, бошқарув раиси Б.Норматов, қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Э.Дасурбоев ва "Тепа" қишлоғи оқсоқоли А.Ўталовга фермер хўжалигининг қонуний ерини олиб беришни сўраб, ёзма равишда мурожаат қилади. Афсуски, тадбиркорнинг мурожаати жавобсиз қолади. Ф.Тўраев "Мулкуш" фермер хўжалиги раҳбари А.Уролов номига эгаллаб олинган ер майдонини топшириш ҳамда иморат қуриш учун тўктирилган тошларни олиб чиқиб кетишни сўраб билдиришнома ёзади. Бироқ бундан ҳам бирон-бир натижа чиқмайди.

Албатта, фермернинг қайта-қайта қилган мурожаатлари изсиз кетаётгани кишини ажаблантиради. Ва кўнгилда бу ерда бирон гап бормикин, деган иштибоҳ уйғотади.

Гап шундаки, фермер хўжалигига 2004 йилнинг 30 мартида туман ҳокимининг 438-сонли қарорига биноан 14,5 гектар ер майдони ўттиз йил муддатга қўшиб берилганди. Бироқ 2004 йилнинг 23 августида туман ҳокимининг 778-сонли қарори чиқади. Бу қарорда А.Ўроловнинг ўғилларига уй-жой қуриш учун 0,18 гектар, томорқага 0,30 гектар, хирмонжой учун 0,15 гектар ер майдони ажратилиши қайд этилади. Аммо бу қарорда ер майдони қайси контурдан ажратилиши кўрсатилмайди.

Энди фермер хўжалиги раҳбари Файзулла Тўраев бежизга ёзғирмаётганини англаган чиқарсиз? У ер қонунан ўзиники эканлигини яхши билади. Бунинг устига туман ҳокимининг уй-жой, томорқа, "Мулкуш" фермер хўжалигига хирмонжой бериш ҳақида чиққан қарори бу истаган жойни эгаллаб олавер дегани эмас. Қисқаси, бу муаммога ойдинлик киритиш, юзага келган низони қонуний ҳал этишда ёрдам беришни сўраб, фермер хўжалиги раҳбари вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилди.

Ўз навбатида Жиззах вилоят адлия бошқармаси Ғаллаорол туман ҳокими Н.Қўшбоқов номига қонунга зид равишда қабул қилинган қарорни бекор қилиш ҳамда қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан чора кўриш тўғрисида тақдимнома киритганди. Бу тақдимномадан сўнг туман ҳокимининг 778-сонли қарорини бекор қилинди. Айбдорларга нисбатан чора ҳам кўрилди.

Шунингдек, вилоят адлия бошқармасининг судга киритган даъвоси бўйича суднинг ҳал қилув қарори қабул қилинди. Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган 1,3 гектар ер "Тўраев Бегимқул ота" фермер хўжалигига олиб берилди. Жавобгардан фермер хўжалиги раҳбари Ф.Тўраев фойдасига 100 минг сўм маънавий зарар ундирилди.

Бир қарашда иш битганга ўхшайди. Аммо ана шу бошоғриқлар кимга керак эди, деган ҳақли савол туғилади. Хўш, бу низо қандай юзага келди-ю, унинг айбдори ким?

Гап шундаки, туман ҳокимининг 778-сонли қарори ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмаган. Балки у ширкат хўжалиги умумий йиғилишининг кенгаш қарорига асосан чиқарилган... Ўз вақтида ширкат хўжалиги раҳбарлари Ф.Тўраевнинг мурожаатига нега лом-мим демагани сабабини энди англагандирсиз?! Энг ёмони, ер устида икки фермер талашаётган бир пайтда улар четдан томошабин бўлиб кузатиб туришган.

Хўш, бу ҳол уларга нега керак бўлиб қолди? Нима уларнинг бирон-бир тили қисиқ жойи борми? Бундан ташқари яна бир иллат борки, айтмаса бўлмайди. У ҳам бўлса, масъулиятсизлик низога сабаб бўлибгина қолмай, туман ҳокимлиги обрўсига соя ташлади.

Собиржон ЭРГАШЕВ,
ҳуқуқшунос
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Huquqiy himoya

ТЎҒРИЛАНГАН ХАТО

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Биз ишлаб чиқараётган маҳсулотимизни товар бозорини Тошкент вилояти ҳудуди билан чегаралаб қўйилишидан норози эканимизни билдириб, 2004 йил 28 июнда ҳудудий бошқармага хат жўнатдик. Айни пайтда бизга хизмат кўрсатадиган адвокатлик идорасига мазкур масала билан шуғулланиш вазифасини топширдик.

Давлат статистика қўмитасидан олинган маълумотларга кўра, Ўзбекистонда қўшма корхонамиз каби айнан ўхшаш технология билан ишлайдиган халқ хўжалигининг битта тармоғига қарашли 35 та корхона фаолият кўрсатаётган экан. Бундан ташқари, мазкур корхоналар 2002 йилда 57,1 миллион дона, 2003 йилда 72,1 миллион дона полипропилен ва полиэтилен қоплар ишлаб чиқарган. Шунингдек, мазкур 35 та корхонанинг 15 таси Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатмоқда. Тошкент вилоятида эса бизникидан ташқари яна 3 корхона ишлаб турибди.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, Ўзбекистон товар бозорида қўшма корхонамиз улуши нари-бери 10 фоизни ташкил этар экан. Шунга қарамай, 2004 йил 13 августда корхонамиз монопол корхоналар реестрига киритилгани тўғрисидаги ҳудудий бошқарма билдиришномаси бизга топширилди. Айни пайтда таҳлилий ҳужжатларни, шунингдек, маҳсулотимиз товар бозорини Тошкент вилоятининг маъмурий ҳудудлари билан чегараланиши тўғрисидаги қарорни бизга тақдим этишдан бош тортишди.

Бундан ташқари, 2004 йил 12 августдаги 466-рақамли билдиришномада Тошкент вилояти монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси бўйича таъкидлаш керак. Шунингдек, тааллуқли вазирликлар, ҳокимликлар, корхоналардан ҳужжатлар тўплаб, ахборотлар олинди.

Аслида "BOW Co. LTD" қўшма корхона томонидан 2004 йил 28 июнда Тошкент вилояти монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармасига қўшимча равишда юборилган хатнинг мазмунидан келиб чиқиб, хатонинг олдини олиш мумкин эди. Чунки унда жаҳон ташқи савдо амалиётида қўлланиладиган товарлар идентификация кодларидан тортиб, ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг технологик жараёнларига тааллуқли алоҳида белгиларгача батафсил тушунтирилган.

Афсуски, қўшма корхона тақдирини ҳал этаётган ҳудудий бошқарма мутахассислари мазкур хатда келтирилган ахборотларни синчиклаб ўрганиб чиқишга ҳафсала қилишмайди. Акс ҳолда бу чигал масала анча олдин ўз ижобий ечимини топган бўларди.

Бунинг ўрнига номигагина ёзилган билдиришнома олинди. Сўзимизнинг исботи учун Тошкент вилояти монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси бошлиғи Х.Йўлдошев имзоси билан 2004 йил 12 августдаги 466-сонли билдиришномани қандай бўлса, шундайлигича диққатингизга ҳавола этамиз: "Тошкент вилояти монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси Қибрай туманидаги "BOW Co LTD" қўшма корхонаси **сабзавот қоплари ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича** Тошкент вилояти монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси 2004 йил __ августда қабул қилинган ____ дрсонли буйруғига асосан монополия корхоналари Давлат реестри рўйхатига киритилди.

Шу муносабат билан сиз 10 муддат ичида юқорида қайд қилинган маҳсулот (иш, хизмат)нинг амал қилаётган нарх (тариф)ларини Реестрга киритилган вақтда ёки кейинги миқдорини оширилиши бўйича Тошкент вилояти молия бошқармасида нарх (тариф)ларни асослаш (деклорация)дан ўтказишингиз шарт.

Ушбу билдиришнома ўз вақтида руғининг сана ва тартиб рақами ҳам қўйилмаган.

Шу боис Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг ҳаракатларини ноқонуний деб ҳисоблаймиз ва ҳуқуқий ёрдам беришингизни сўраймиз".

Асосий масалага эътибор қаратишдан олдин қўшма корхона мутасаддиларининг ҳақ эканлигини исботлаш учун кўплаб қонун ҳужжатларини ўрганиб чиқишганини алоҳида таъкидлаш керак. Шунингдек, тааллуқли вазирликлар, ҳокимликлар, корхоналардан ҳужжатлар тўплаб, ахборотлар олинди.

Аслида "BOW Co. LTD" қўшма корхона томонидан 2004 йил 28 июнда Тошкент вилояти монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармасига қўшимча равишда юборилган хатнинг мазмунидан келиб чиқиб, хатонинг олдини олиш мумкин эди. Чунки унда жаҳон ташқи савдо амалиётида қўлланиладиган товарлар идентификация кодларидан тортиб, ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг технологик жараёнларига тааллуқли алоҳида белгиларгача батафсил тушунтирилган.

Афсуски, қўшма корхона тақдирини ҳал этаётган ҳудудий бошқарма мутахассислари мазкур хатда келтирилган ахборотларни синчиклаб ўрганиб чиқишга ҳафсала қилишмайди. Акс ҳолда бу чигал масала анча олдин ўз ижобий ечимини топган бўларди.

Бунинг ўрнига номигагина ёзилган билдиришнома олинди. Сўзимизнинг исботи учун Тошкент вилояти монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси бошлиғи Х.Йўлдошев имзоси билан 2004 йил 12 августдаги 466-сонли билдиришномани қандай бўлса, шундайлигича диққатингизга ҳавола этамиз: "Тошкент вилояти монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси бошлиғи номига 2004 йил 27 сентябрда 11-1/3717-рақамли таклиф хати киритди. Унда "BOW Co LTD" қўшма корхонасини монопол корхоналар рўйхатига киритилишини қайта кўриб чиқиш лозимлиги баён этилган эди.

Тошкент вилояти монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармасининг 2004 йил 25 октябрдаги 10х 05-01/157-рақамли қўшимча жавоб хатида "BOW Co LTD" қўшма корхонаси монопол корхоналар Давлат реестридан чиқарилгани маълум қилинади.

Етти ўлчаб, бир кес, деган мақол бежиз айтилмаган. Шундай экан, бўлиб ўтган нохуш воқеалардан тегишли хулоса чиқариш ҳар кимнинг ўзига боғлиқ.

Маъмуржон ТЎЙЧИЕВ,
ҳуқуқшунос
Рустам ХУДОЙҚУЛ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Тошкент вилоятида 3 та, Тошкент шаҳрида эса 15 та ана шундай корхоналар фаолият юритиб келаётгани ҳамда "BOW Co LTD" қўшма корхонаси ишлаб чиқарган маҳсулотини фақат Тошкент вилоятида эмас, балки Тошкент шаҳри ва бошқа вилоятларига сотгани инобатга олинмаган.

Статистик маълумотлар таққосланганда республика бўйича ишлаб чиқарилган полиэтилен ва полипропилен қопларнинг тахминан 10 фоизи "BOW Co LTD" қўшма корхонаси ишлаб чиқаргани ўз тасдиғини топди.

Юқоридаги далилларга асосланиб, Тошкент вилояти адлия бошқармаси Тошкент вилояти монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси бошлиғи номига 2004 йил 27 сентябрда 11-1/3717-рақамли таклиф хати киритди. Унда "BOW Co LTD" қўшма корхонасини монопол корхоналар рўйхатига киритилишини қайта кўриб чиқиш лозимлиги баён этилган эди.

Тошкент вилояти монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармасининг 2004 йил 25 октябрдаги 10х 05-01/157-рақамли қўшимча жавоб хатида "BOW Co LTD" қўшма корхонаси монопол корхоналар Давлат реестридан чиқарилгани маълум қилинади.

Етти ўлчаб, бир кес, деган мақол бежиз айтилмаган. Шундай экан, бўлиб ўтган нохуш воқеалардан тегишли хулоса чиқариш ҳар кимнинг ўзига боғлиқ.

Маъмуржон ТЎЙЧИЕВ,
ҳуқуқшунос
Рустам ХУДОЙҚУЛ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Huquqiy ma`rifat

МЕРОС ҚАНДАЙ БЎЛИНАДИ?

(Давоми. Боши биринчи бетда.)

Учинчи навбатда эса ворислар қаторига мерос қолдирувчининг амакиси, тоғаси, аммаси ва холаси киради.

Тўртинчи навбатдаги ворислар қаторига мерос қолдирувчининг олтинчи даражагача (олтинчи даража ҳам шунга киради) бўлган бошқа қариндошлари киради. Мерос олишда эса узоқроқ қариндошларга нисбатан яқинроқ қариндошлар имтиёзли ҳуқуққа эга бўлади.

Бешинчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига мерос қолдирувчининг қобилиятсиз боқимандалари эга бўлади.

Шуни таъкидлаш ўринлики, ворислик ва мерос қолдирувчининг меҳнатга қобилиятсиз боқимандалари меросдан мажбурий улуш олиш тартиби қонунда аниқ белгиланган. Яъни тақдим қилиш ҳуқуқи бўйича ворислик қонуний меросхўр очилгунга қадар вафот этган тақдирда, унга тегишли улуш меросхўр билан бир хил даражада қариндош бўлган авлодлар ўртасида тенг тақсимланади.

Бола, невара, чевара, эвара меросхўрлигида тақдим қилиш ҳуқуқи қариндошлик даражаси чекланмаган ҳолда амал қилади, ён қариндошлик бўйича меросхўрликда тақдим қилиш ҳуқуқига мерос қолдирувчининг туғишган ака-укалари (опа-сингиллари) номидан унинг жиянлари ёхуд мерос қолдирувчининг туғишган амакиси (тоғаси) ёки аммаси (холаси) номидан унинг амакиваччалари (тоғаваччалари) ва (холаваччалари) эга бўлади.

Васиятнома ёки қонун бўйича эрга (хотинга) тегишли бўлган ворислик ҳуқуқи унинг мерос қолдирувчи билан никоҳдаги ҳолатига боғлиқ бошқа мулкий ҳуқуқларига, шу жумладан, никоҳда бўлиб, биргаликда орттирилган мол-мулкнинг муайян қисмига нисбатан бўлган мулк ҳуқуқига дахл қилмайди.

Кези келганда шуни айтиш керакки, айрим меросхўрлар мерос таркибига кирадиган мол-мулкка нисбатан имтиёзли ҳуқуққа эга бўлади. Яъни мерос олингунга қадар уч йил мобайнида мерос қолдирувчи билан биргаликда яшаган меросхўрлар мерос тақсимланишида мерос таркибидан уй-жой, квартира оладилар.

Шунингдек, мерос қолдирувчи билан мол-мулкка нисбатан умумий мулк ҳуқуқига эга бўлган меросхўрлар мерос тақсимланишида мерос таркибидан умумий мулк бўлган мол-мулкни асл ҳолида олишда имтиёзли ҳуқуққа эга бўлади.

Агар мазкур ҳуқуқларни амалга ошириш натижасида мерос ҳисобланган мол-мулк бошқа меросхўрларга тегишли улушларини бериш учун етарли бўлмаса, имтиёзли ҳуқуқни амалга ошираётган меросхўр уларга тегишли мол-мулкнинг товонини тўлаши лозим.

Мерос қолдирувчини ёки эҳтимол туғилган меросхўрлардан бирортасини қасддан ўлдирган ёки уларнинг ҳаётига суиқасд қилган шахслар васият бўйича ҳам, қонун бўйича ҳам мерос олишдан маҳрум этилади. Фақат васият қилувчи ўз ҳаётига суиқасд қилинганидан кейин васиятнома берган шахслар бундан мустасно.

Шу билан бирга мерос қолдирувчи ўзининг охирги хоҳиш-иродасини амалга оширишига қасддан тўсқинлик қилган ва шу орқали ўзларининг ёки ўзларига яқин шахсларнинг ворисликка чақирилишига ёхуд меросниг ўзларига ёки ўзларига яқин шахсларга тегишли улуши кўпайтирилишига имкон яратган шахслар васиятнома бўйича ҳам, қонун бўйича ҳам мерос олиш ҳуқуқига эга эмас.

Бундан ташқари, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган ва мерос очилган пайтда бу ҳуқуқи тикланмаган ота-она болаларидан қолган мулкка ворис бўлиш ҳуқуқига эга эмас, шунингдек, мерос қолдирувчига таъминлаб туриш юзасидан қонунга кўра, зиммаларига юклатилган мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаган ота-она (фарзандликка олувчилар) ва вояга етган болалар (фарзандликка олинганлар) қонун бўйича ворислик қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Шу маънода нолойиқ меросхўрларни ворисликдан четлатиш учун асос бўладиган ҳолатлар дахлдор шахснинг даъвоси бўйича суд томонидан белгиланади.

Меросхўр меросдан воз кечган ёки юқорида таъкидланган ҳолатларга кўра, меросхўрлар сафидан чиқарилган тақдирда меросниг унга тегадиган қисми қонун бўйича бошқа меросхўрларга ўтади ва улар ўртасида меросдаги улушларига мутаносиб равишда тақсимланади.

Агар мерос қолдирувчи барча молмулкни ўзи тайинлаган меросхўрларга васият қилган бўлса, меросниг меросдан воз кечган ёки меросхўрлар қаторидан чиқиб кетган меросхўрга тегишли бўлган қисми васиятнома бўйича меросхўрларга ўтади.

Мерос саналган мулкни бўлиш учун аввало, мерос очилгач, агарда мерос қолдирувчи ўзининг мулкига нисбатан васият бўйича меросхўрни тайинламаган бўлса, қонун бўйича навбатдаги меросхўрлар ўртасида мерос мулкини тақсимлаш мақсадида мерос мулки жойлашган жойдаги давлат нотариал идорасига мурожаат қилиниб, талаб қилинган ҳужжатлар тақдим қилинган ҳолда мерос мулкини бўлиш амалга оширилади.

Биз юқорида мерос, у билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар ҳақида қисқача фикр юритдик. Бундан кўзланган мақсад — ҳар биримиз бу борадаги ҳуқуқ ва мажбуриятларимизни чуқур англасак, ортиқча низо ва можароларга ўрин қолмайди.

Сойибжон АРАББОЕВ



Баланд тоғлар бағрида

Minnatdorchilik

"ҚОНУНИЙ ЙЎЛ ТУТИНГ!"

Ҳаётда тўғри қадам ташлаган, шунингдек, қонун доирасида фаолият юритган киши ҳеч қачон кам бўлмайди. Бунга яқинда бошимдан кечирган бир воқеа туфайли янада чуқур ишонч ҳосил қилдим.

Гап шундаки, мен 2002 йилда юртимизда фаолият кўрсатаётган "Бета Алгоритм А.Ш," масъулияти чекланган чет эл корхонасига ишга кирган эдим. Орадан бир йил ўтгач, 2003 йил август ойида корхоналар мутасаддилари яхши меҳнат қилганим учун менежерликдан супервайзер лавозимига ўтказишди. Бу лавозимда мен кўпинча хизмат сафарида бўлар, аммо зиммамдаги топшириқни сидқидилдан бажариб келардим.

Иш фаолияти даврида корхона билан тузилган 109-сонли меҳнат шартномасида кўрсатилган мажбуриятларни тўлиқ бажариб, бирон марта ҳам интизомини бузган эмасман.

Лекин шунга қарамай, корхона Бош директори Махсун Гул 2004 йил 15 майдаги 43-сонли буйруғи билан асоссиз равишда мени эгаллаб турган лавозимимдан бўшатиб, меҳнат шартномасини бир томонлама бекор қилди.

Корхона раҳбариятига ҳақ-ҳуқуқимни талаб қилиб, бир неча марта мурожаат қилдим, лекин бундан ҳеч қандай натижа чиқмади.

Шундан кейин 2004 йили 19 майда қонуний ҳақ-ҳуқуқларимни ҳимоя қилишларини сўраб, Тошкент шаҳар адлия бошқармасига мурожаат қилдим.

Қувончли томони шундаки, менинг мурожаатим эътиборсиз қолмади. Балки инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими ходимлари зудлик билан ишга киришиб, зарур ҳужжатларни тўплашди. Кейин менинг манфаатларимни кўзлаб, фуқаролик ишлари бўйича Акмал Икромов туманлараро судига ишга тиклаш ва мажбурий бекор юрган вақтим учун етказилган моддий ҳамда маънавий зарарни ундириш ҳақида 2004 йил 25 майда даъво аризаси киритилди.

2004 йил 8 июл куни фуқаролик ишлари бўйича Акмал Икромов туманлараро судида ушбу масала кўриб чиқилди.

Суд қарорига кўра "Бета Алгоритм А.Ш." масъулияти чекланган корхонаси Бош директорининг 2004 йил 15 майдаги 43-сонли буйруғи бекор қилиниб, олдинги иш жойимга, яъни супервайзер лавозимига тикланадиган бўлдим. Шунингдек, мени фойдамга бекор юрган вақтим ва маънавий зарарни қоплаш учун жами 119.000 сўм ундириладиган бўлди.

Шуни алоҳида такрорлашим лозимки, эртаси куниёқ мен ўз ишимга тикланиб, моддий ва маънавий зарар ундириб берилди.

Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, мен ноҳақ ишдан бўшатилганимдан норози бўлиб, турли идораларга мурожаат қилиб юрганимда, югурганинг бефойда, барибир, ҳақиқатни топмайсан, деган кимсалар ҳам бўлди. Бироқ бунга қарамай мен ўз ҳақ-ҳуқуқим учун курашиб, адолат қарор топишига эришдим.

Бу воқеани баён этишдан мақсадим — мамлакатимизда оддий фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқи, манфаатлари тўлиқ ҳимоя қилинаётганини айтишдир. Айтмоқчиманки, ҳаётда ноҳақликка дуч келсангиз, қонуний йўл тутинг, шунда кўнглингизда армон қолмайди.

Даврон ЗОКИРОВ,
Тошкент шаҳар,
Юнусобод тумани

Эътироф

ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР ТАНТАНАСИ

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Мен кузатувчи сифатида шуни ишонч билан айта оламанки, Ўзбекистонда қабул қилинган сайлов жараёнларини тартибга солувчи қонунларнинг ҳаётга татбиқ этилиши демократия тамойилларига қатъий амал қилишга асосланиб, халқаро меъёрлар ва талабларга тўлиқ мос келади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда демократик сайловлар ўтказиш учун барча шарт-шароит яратилган, икки палатали парламентнинг шакллантирилиши эса жиддий қадамдир, зеро, ҳозир дунёда энг тараққий этган демократик мамлакатлар бундай тизимга эга.

Қайд этиш лозимки, Ўзбекистонда ўтказилган сўнгги сайловларни ажратиб турувчи энг эътиборга молик янгилик давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органларидан депутатликка номзод кўрсатиш институтининг бекор қилиниши ва сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларига Олий Мажлис ҳамда маҳаллий кенгашлар депутатлигига ўз номзодларини кўрсатиш ҳуқуқининг берилиши, шунингдек, партиялардан депутатликка кўрсатилаётган номзодлар умумий сонига партиянинг аёл-номзодлари учун камида 30 фоизлик квота қўйилиши бўлди.

Сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари институтининг яратилиши, шубҳасиз, фуқароларнинг сиёсий жараёнларда ва давлат бошқарувида шахсан иштирокини, ўз конституциявий ҳуқуқларини чуқур англаб етишини ва уларни ҳаётга жорий қилишни кўзда тутувчи бевосита демократия тамойилининг юзага чиқишидир. Бундан ташқари, эркин демократик сайловлар муқобилликни назарда тутади ва бевосита фуқаролар томонидан илгари суриладиган мустақил номзодлар партия номзодларига шундай муқобил рақиб бўладилар.

Бугун демократик давлатларда сайлов ўтказиш тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ҳар қандай сайлов, бу — унинг асосий субъекти ҳисобланмиш партиялар сайловидир. Шунга боғлиқ равишда демократик жараёнлар кўппартиявийлик тизимини ривожлантиришни ўзига қамраб олади ва Ўзбекистон ҳозирги пайтда ана шундай — кўппартиявийлик тизимига эга, аниқроғи, олдинги 1999 йилги сайловларда республикада сайловда қатнашган иккита партия ўз ўрнига эга бўлган бўлса, ҳозир 5 та сиёсий партия рўйхатдан ўтган. Бироқ шуни айтиб ўтишни истардимки, гарчи Ўзбекистонда аҳолининг каттагина қисми сиёсий партияларга аъзо бўлмаса-да, улар сиёсий фаолият ва давлат бошқарувида иштирок этишдан четда турмаслиги керак. Шуни назарда тутсак, фуқароларнинг ўз ҳуқуқларини бевосита рўёбга чиқариш жараёнининг йўлга қўйилиши (сайлов кунигача 56 ташаббускор гуруҳ рўйхатга олинган эди) қонуний ва адолатлидир, чунки халқ ҳурматини қозонган ва обрўли фуқаролар орасидан сайланган депутатлар сиёсий партиялардан мустақил бўлади ҳамда бевосита халқ манфаатларини ифодалайди.

Юқорида эслаб ўтганимдек, сиёсий партиялар ҳар қандай демократик давлатнинг муҳим бўғинидир. Ўзбекистонда сиёсий партиялар фаолияти учун илғор халқаро тажрибага асосланган меъёрий-ҳуқуқий база шакллантирилган. Хусусан, кўппартиявийлик тизими борасидаги конституциявий қоидаларни амалда рўёбга чиқариш механизмлари белгилаб берилган, рўйхатдан ўтган сиёсий партияларни тенг молиялаштириш механизми яратилган, шунингдек, уларнинг ҳисобига келиб тушадиган маблағларни қонуний ва мақсадли олиш ва фойдаланиш учун кафолатлар берилган. Таъкидлаш жоизки, сиёсий партиялар фаолиятининг молиявий томонларини бундай ҳуқуқий тартибга солиш дунёнинг ҳамма ривожланган мамлакатларида ҳам мавжуд эмас.

Эътиборни тортувчи кейинги жиҳат шуки, Ўзбекистон ЕХҲТ томонидан берилган тавсияларни қабул қилди, салбий овоз бериш, яъни чизиб ташлаш усулидан воз кечиб, ижобий овоз бериш, яъни "+" белгисини қўйиш усулига ўтиб, сайлов бюллетенларини тўлдириш тартибини тубдан ўзгартирди. Бу ҳам умумэътироф этилган халқаро стандартларга мос келади.

Сайлов кампанияси мобайнида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш ҳам ҳақиқий демократиянинг ўзига хос жиҳатларидан биридир. Оммавий ахборот воситаларидан менга аён бўлишича, халқаро экспертлар, халқаро ташкилотлар ва жамғармалар вакиллари иштирокидаги кўплаб учрашувлар, семинарлар ва халқаро конференциялар нафақат Тошкент шаҳрида, балки бошқа шаҳарларда ҳам ташкил этилган. Бу ҳам сайловчиларнинг пойтахтдагина эмас, республиканинг бошқа минтақаларида ҳам фаол бўлганлигини тасдиқлайди ва бу бутунлай янгича асосда бўлиб ўтган сайловларда ўз аксини топди.

Сайловчиларнинг фаоллиги ҳақида гапирганда, шуни қайд этиб ўтмоқчиманки, мен борган Тошкент вилоятидаги 79-сайлов округининг 752-сайлов участкасида (2004 йил 26 декабр соат 18.00 даги ҳолат) 91,7 фоиз сайловчи овоз беришда қатнашган.

Ўтказилган сайловларга якун ясаб ва ўз кузатишларимдан келиб чиққан ҳолда, сайловлар юксак уюшқоқлик билан, сайловчиларнинг фаол иштирокида, умуман, сайлов қонунчилиги ва халқаро талабларга мос тарзда ўтди.

Сайлов кампаниясини ташкил этиш бўйича жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики, бугунги кунда барча мамлакатлар учун ягона парламент тизими йўқ ва ҳар бир жамият айнан ўз манфаатлари ва анъаналарига жавоб берувчи парламент ҳамда сайлов тизимини шакллантиради. Республика пойтахтидан ташқари, Самарқанд, Бухоро сингари шаҳарларда бўлгач, мен халқнинг миллий анъаналарини нақадар асраб-авайлаётганлиги, маданий қадриятларини тиклаётганлигига эътибор қилдим. Темурийлар тарихи давлат музейига, Баҳовуддин Нақшбанд, Шоҳизинда, Регистон каби тарихий мажмуаларга қилинган ташрифлар менда жуда катта таассурот қолдирди. Шунингдек, давлатнинг ёш авлодга қилаётган ғамхўрлигини, кўплаб таълим муассасалари, истироҳат боғлари, театрлар, музейлар, кўркам иншоотлар бунёд этилганлигини ҳам алоҳида эътироф этиш керак. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, Ўзбекистон чуқур мулоҳазалар ва таҳлиллар асосида, давлат қурилишининг кучли тарихий илдизларини, ўз жамиятининг аниқ шарт-шароити ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш учун энг мақбул йўлни танлади, чунки ўзбек халқи буюк келажак эгасидир ва бу ерда шаклланган сиёсий тизим барқарорлик ва фуқаролар бирдамлигининг манбаидир.

Faxr

Юртбошимиз ташаббуси билан янги йилни "Сиҳат-саломатлик йили" дея аталиши замирида халқимизнинг бугунги куни ва келажаги билан боғлиқ чуқур рамзий маъно мужассам. Зеро, ҳар қандай тараққиёт, ютуқлар қўлами инсон саломатлиги билан боғлиқдир. Бошқача айтганда, соғлом миллат теран фикрлайди, буюк ишларни амалга оширишга қодир бўлади.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТИ

Янги йилнинг кутиб олиниши мамлакатимизда ҳаётдаги буюк сиёсий ўзгаришлар жараёнида кечмоқда. Бу ўзгаришлар демократик асосдаги янги сайлов тизимини амалга ошириш асосида рўй бераётир. Жумладан, Асосий Қонунимизда фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқлари шундай ифодаланган: **"Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади".**

Олий Мажлиснинг қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар депутатлигига бўлиб ўтган сайловлар, айниқса, бу тадбирнинг сайлов қонунчилиги доирасида ўтказилгани фуқаролик ҳуқуқининг ушбу жиҳатларини амалда тўлиқ намоён этди. Таъкидланганидек, эркин фуқаролик ва ҳуқуқий демократик жамиятда ҳар бир фуқаро ўз хоҳиш-иродасини ўзи сайлаган депутат орқали юзага чиқаради.

Юксак ривожланган давлатларда фуқаролик ҳақ-ҳуқуқлари ҳам юқори даражада ҳимояга олинади. Ўзбекистон буюк келажак сари дадил қадам ташламоқда. Яқин келгусида жаҳоннинг энг илғор давлатлари қаторидан ўрин эгаллашимизга шак-шубҳа йўқ. Мамлакатимизда жорий этилган икки палатали бошқариш тизими бу йўлда бизга барча имкониятларни яратиб беради ва тўла маънодаги инсон ҳақ-ҳуқуқларини кафолатлайди.

Фахриддин НУРИДДИНОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси

Jahon tajribasi

РИМ КОНВЕНЦИЯСИ

ёхуд ижрочи ва фонограмма ишлаб чиқарувчилар ҳуқуқларининг ҳимояланиши

Миллий қонунчиликдаги каби, ижрочилар ва фонограмма ишлаб чиқарувчиларнинг ҳуқуқлари халқаро шартнома ва конвенцияларда ҳам тегишлича мустаҳкамланган. Бу соҳадаги нуфузли шартномалардан бири "Ижрочилар, фонограмма ишлаб чиқарувчилар ва радиотелевидение ташкилотлари манфаатларини ҳимоя қилиш ҳақида"ги Рим конвенциясидир.

Рим Конвенцияси 1961 йил 26 октябрда қабул қилиниб, 1964 йил 18 майда кучга кирган. 2002 йил 1 январгача 55 дан ортиқ давлат конвенцияга аъзо бўлиб кирган. Конвенциянинг асосий мақсади кенгайиб бораётган овоз ёзиш ва уларни тарқатиш билан боғлиқ ижрочи-артистларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборат.

Ушбу конвенцияга Бутунжаҳон муаллифлик ҳуқуқи Конвенциясига аъзо давлатлар ратификация ёрлиқлари ёки қўшилиш ҳақидаги ҳужжатни сақлаш учун БМТ Бош котибига топширадилар. Аъзоликка кираётган ҳар қандай давлат Конвенциянинг айрим моддаларига нисбатан уларни тадбиқ этиш ҳақида изоҳлар ҳам киритиши мумкин.

Бошқа конвенция ва шартномалар каби Рим конвенциясида ҳам "Миллий тартиб" тамойили асосий ўрин тутади. Конвенцияга кўра, ижрочилар (артистлар, қўшиқчилар, мусиқачилар, бадиий ва адабий асарларнинг ижрочилари ва бошқалар) ўзлари розилик билдирмаган ҳар қандай ҳаракатлардан ҳимоя қилинади.

Шунингдек, Конвенцияда кўрсатув-эшиттириш ташкилотларининг улар томонидан тайёрланган дастурларини ўзгалар томонидан такрор кўрсатиш (эшиттириш), аудио-видео шаклида ёзиб олиш, бу ёзувларни тарқатиш, уларни телевизион дастурларда қайта намойиш қилиш ҳаракатларини таъқиқлаш ёки уларга рухсат бериш ҳуқуқи мустаҳкамланган.

Рим конвенциясида ҳимоя муддати камида 20 йил деб белгиланган.

Конвенциянинг 15-моддасига биноан, ҳар қандай аъзо давлат ички қонунчилиги билан қуйидагича чеклашларни (асардан эркин фойдаланишни) жорий этиш мумкин: асардан шахсий мақсадларда, кундалик воқеаларни шарҳлашда парчалар ишлатиш; ўз техника воситалари орқали ўзларининг дастурларини тайёрлашда қисқа муддатга овоз ёзувларидан фойдаланиш; илмий, ўқув ёки илмий-изланиш мақсадларида фойдаланиш. Конвенциянинг бу меъёри мамлакатимиз қонунчилигида ҳам ўз аксини топган.

Фонограмма ишлаб чиқарувчилар, ижрочилар ҳуқуқларини, маданий индустрия талабларидан келиб чиқиб, янада кенгроқ ҳимоялаш масаласига ўтган асрнинг 90 йилларидан бошлаб киришилди.

1996 йили Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (ЖИМТ) томонидан бу соҳада алоҳида шартнома қабул қилинишига эришилди. Бу ҳужжат ЖИМТнинг ижролар ва фонограммалар бўйича шартномаси деб аталди. Шартнома 1996 йил 20 декабр куни Женева шаҳрида ЖИМТ Дипломатик конференциясида қабул қилинди.

Шартнома ратификация қилинган ёки қўшилиш ҳақидаги ҳужжатларнинг 30 давлатга сақлаш учун юборилган кундан бошлаб кучга киради. Шартнома интеллектуал мулк ҳуқуқига эга бўлган икки тоифадаги гуруҳга нисбатан тадбиқ этилади:

а) ижрочилар (актёрлар, қўшиқчилар, бастакорлар ва бошқалар);

б) фонограмма ишлаб чиқарувчилар (ижро ёзувларини ёзиб олишни ва жавобгарликни зиммасига олган жисмоний ёки юридик шахслар)

Шартнома ижрочилар ҳуқуқларини мустаҳкамлаб, кинофильмларга ўхшаш аудиовизуал ёзувлардан ташқари, ижрочиларга фонограммада ёзилган ижролари учун қуйидаги тўрт турдаги мулкий ҳуқуқларни мустаҳкамлайди:

а) қайта ишлаб чиқариш;

б) тарқатиш;

в) ижарага бериш;

г) ёзилган ижрони маълум қилиш.

Ушбу ҳуқуқлар алоҳида ҳуқуқлар турига мансуб бўлиб, қисман чеклашлар билан алоҳида ҳуқуқ сифатида фақат ижрочиларга тегишли бўлади.

Ижрочилар ва фонограмма ишлаб чиқарувчиларнинг бошқа ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида шартномада қатнашаётган аъзо давлатлар "Миллий тартиб" тамойилидан келиб чиқиб, ҳудудларида ўз ижрочи ва фонограмма ишлаб чиқарувчиларига қандай ҳуқуқий кафолат берса, бошқа давлатларнинг ижрочи ва фонограмма ишлаб чиқарувчиларига ҳам шундай ҳуқуқий ҳимояни таъминлашлари шарт. Шунингдек, шартномада ижрочи ва фонограмма ишлаб чиқарувчилар учун ўз вақтида адолатли ҳақ олиш ҳуқуқидан фойдаланиш ҳам белгиланган. Шартномага кўра, муаллифлик ҳуқуқи муддати камида 50 йил.

Шартномада қатнашувчи давлатлар ҳуқуқларини амалга оширишда "мулкий ҳуқуқларини бошқариш" (лицензия бериш, муаллифлик ҳақларини йиғиш ва тақсимлаш)ни ҳам йўлга қўйишлари лозим.

Юқоридаги шартномаларда белгиланган меъёрларнинг миллий қонунчилигимизда ҳам акс этиши ижрочилар, фонограмма ишлаб чиқарувчилар ва уларга тенглаштирилган бошқа ҳуқуқ эгаларининг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, келгусида республикамиз қатнашадиган халқаро шартномаларнинг бажарилишида кенг имконият яратади.

Гулнора ХУДОЙБЕРДИЕВА,
тадқиқотчи

Ajab savdolar

Исоҳ Абдурасулов туманда нашр этиладиган "Жиззах овози" газетасини варақлаётиб, эълонлардан бирига кўзи тушди. Унда Шароф Рашидов номидаги агрохизмат марказининг марказий маъмурий биноси "Кимошди савдоси"га қўйилиб, сотилиши маълум қилинганди. У эълонни ўқигач, кўнглида "Кимошди савдоси"да қатнашиш, агар юлиб чиқиб, бинони сотиб олса, уни хусусий табоботхонага айлантириш нияти туғилади. Энг асосийси, кимошди савдосига қўйилган бино табобот ишларини юритишга жуда қулай эди.

БАНД СОЛИНГАН БИНО

талаш бўлгани хусусида

Аслида маъмурий бино "Кимошди савдоси"га Суд ижрочилари Департаменти Жиззах туман бўлинмаси томонидан қўйилган эди. Аниқроқ айтганда, туман суд ижрочилари бўлинмасига вилоят хўжалик судидан Шароф Рашидов номидаги агрохизмат марказидан қарзни ундириш тўғрисида қарор келганди. Бироқ қарзни хўжалик мутасаддилари ихтиёрий равишда қоплашмагач, Суд ижрочилари туман бўлинмаси суд ижрочиси У.Уркинов 2004 йил 24 апрелда агрохизмат марказининг минерал ўғитлари омбори, дала шийпони ҳамда хўжалик марказий маъмурий биносини хатловдан ўтказади. У тузган далолатномага агрохизмат маркази бошқаруви раиси Яхшибой Холмуродов ҳам имзо чекади. Шу тариқа бинога банд солингач, "Кимошди савдоси" ўтказиш тўғрисида газетада эълон берилади.

Табиийки, Исоҳ Абдурасулов "Кимошди савдоси"да қатнашиш учун ариза беради. Амалдаги тартибга кўра, Кўчмас мулк биржасига бино сотилиш баҳосининг ўн фоизлик тўловни ҳам тўлайди. Шу йилнинг 24 август куни ўтказилган "Кимошди савдоси"да И.Абдурасуловга омад кулиб боқади. У сотувга қўйилган бинони 2 миллион 25 минг сўмга сотиб олади. Бу ҳақда баённома тузилади, олди-сотди шартномаси расмийлаштирилади. Вилоят **"Ер ва бино-иншоотлар давлат кадастри хизмати"** бошқармаси томонидан 001183-рақамли гувоҳнома ҳам берилади.

(Давоми тўртинчи бетда)

БАНД СОЛИНГАН БИНО

талаш бўлгани хусусида

(Давоми. Боши учинчи бетда)

Албатта, Исоҳ Абдурасулов мулк сотиб олганидан хурсанд эди. Қўлида мулк ўзиники эканлигини тасдиқловчи ҳужжат бор. Бироқ ҳамма ғалва шундан сўнг бошланади. Исоҳ Абдурасулов янги сотиб олган бинони кўришга борса, унга бошқа эга чиқиб ўтирибди... Ажабо. Сотувчи — Суд ижрочилари туман бўлинмаси бўлиб, "Кимошди савдоси" ҳақида газетада эълон берилган, мулкнинг эгаси аниқ бўлганида, ўроқда йўқ, машоқда йўқ ўзгаларнинг даъво қилишини қандай тушуниш мумкин?

Исоҳ Абдурасулов вилоят адлия бошқармасига ёзган аризасида ишни тўлиқ баён этган. Яъни у "Кимошди савдоси"да ўзи ғолиб чиққани, қонуний мулки ҳисобланган собиқ агрохизмат маркази марказий маъмурий биносини туман марказий касалхонаси бермаётганлигини билдирган.

Таажжуб. Марказий касалхона мутасаддилари нега бировнинг мулкига эгалик қилишни истаб қолишди? Бунга уларнинг ҳаққи, аниқроқ айтганда, асоси борми?

Бу саволга жавоб бериш учун бироз илгарироққа мурожаат қилишга тўғри келади. "Кимошди савдоси"га қўйилган маъмурий бино ўн хонадан иборат бўлиб, бир пайтлар унда тиббиёт бўлими ҳам жойлашган эди. Бунинг устига 2000 йил 22 майда туман ҳокимининг 373-рақамли қарори чиқиб, бу низоли бино ўшанда туман марказий касалхонасига берилиши қайд этилган эди. Аммо "Кимошди савдоси"га қўйилган кунга қадар бино агрохизмат марказининг балансида турган. Буни қарангки, Суд ижрочилари туман бўлинмасидагилар маъмурий бинога банд солган паллада ҳам у хўжалик балансидан чиқмаган, аниқроқ айтганда, марказий касалхона ҳисобига ўтмаганди. Фақат "Кимошди савдоси"га ўтказилишига ўн бир кун қолганда улар "отни қамчилашибди". 13 август куни туман ҳокимининг Ш.Рашидов номидаги агрохизмат марказининг маъмурий биносини пул ўтказмаслик йўли билан туман марказий касалхонаси тасарруфига ўтказиш ҳақида 946-рақамли янги қарори чиқарилади.

Энг қизиғи шундаки, агрохизмат маркази бошқаруви раиси Я.Холмуродов бино хўжалик балансида эканлигини, қарзни тўлай олмаганлиги учун унга банд солиниб, "Кимошди савдоси" ташкил этилаётганини билмаслиги мутлақо мумкин эмасди. Чунки бошқарув раиси Суд ижрочилари туман бўлинмаси суд ижрочиси У.Уркинов тузган ҳужжатларга имзо чеккан. Қарор нусхаларини тайёрлаб тасдиқлаш учун туман ҳокимига киритган мутасаддилар ҳам газетада чоп этилган эълондан бехабарлигига кишининг ишонгиси келмайди.

Қисқаси, мазкур муаммо юзасидан ўтказилган ўрганишлардан сўнг вилоят адлия бошқармаси фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро судига туман ҳокимининг қарорларини бекор қилиш ҳамда "Кимошди савдоси" орқали олинган маъмурий бинони қайтариб олиш тўғрисида даъво аризаси киритди. Мазкур масала юзасидан ўтган очиқ суд мажлисида маълум бўлдики, агрохизмат маркази раҳбарлари низоли банд солинган бинони ғайриқонуний равишда тасарруф қилган. Туман марказий касалхонаси бинодан тиббиёт пункти сифатида фойдаланиб келган ва уни ихтиёрий равишда бўшатишдан бош тортган.

Бундан ташқари, Фуқаролик кодексининг 228-моддасида мулкдор ўзининг мулкини бошқа шахснинг ноқонуний эгалигидан талаб қилиб олишга ҳақли экани қайд этилган. Шунингдек, **"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"**ги қонунга асосан ҳокимлик томонидан чиқарилган ғайриқонуний қарорлар суд тартибида бекор қилиниши керак.

Суд туман ҳокимининг 2000 йил 22 майдаги 373 ва 2004 йил 13 августдаги 946-рақамли қарорларини бекор қилиш, бинони И.Абдурасуловнинг қонуний эгалигига олиб бериш, шунингдек, туман ҳокимлиги, марказий касалхона, агрохизмат марказининг ҳар биридан 135 минг сўмдан давлат божи ундириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Банд солинган бино шу тарзда талаш бўлганди. Барибир қонун мулкнинг ҳақиқий эгаси манфаатини ёқлади.

Мирзабек ЁҚУБОВ,
ҳуқуқшунос

Muloqot

«НОГИРОНЛИК ГУРУҲИМ НЕГА ЎЗГАРДИ?»

Ҳурматли таҳририят ходимлари!

Мен 1987 йилда собиқ иттифоқнинг Чернобил АЭС ҳалокати оқибатларини тугатиш учун Пайариқ туман ҳарбий комиссариатидан жўнатилгандим. Кейинчалик соғлиғим ёмонлашгач, менга Самарқанд вилоят ВТЭК томонидан II гуруҳ ногирони гувоҳномаси берилди. 1997 йилги кўрикдан ўтказиш пайтида II гуруҳ ногиронлиги муддатсиз қилиб белгиланди. 2004 йил октябр ойигача шу гуруҳга тегишли бўлган нафақа олиб келдим. Аммо ноябр ойидан бошлаб нафақа миқдори бир мунча камайди. Буни сабабини суриштирсам, мени II гуруҳдан III гуруҳга ўтказишибди. Менга аввалига муддатсиз ногиронлик бериб, кейин яна ўзгартирилишига нима сабаб бўлган?

Шу ҳақда маълумот беришингизни илтимос қиламан.

Равшан ХОЛМАМАТОВ,
Самарқанд вилояти, Пайариқ тумани

— Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 июндаги қарори билан тасдиқланган **"Пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига эга бўлмаган қарияларга ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"**ги Низомнинг 9-бандида нафақани қайта ҳисоблаб чиқиш қоидалари ҳақида сўз юритилган бўлиб, ногиронлик гуруҳи ўзгарганлиги туфайли нафақа қайта ҳисоблаб чиқилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 23 июндаги 317-сонли қарори билан тасдиқланган **"Тиббий меҳнат эксперт комиссиялари тўғрисида"**ги Низомнинг 44-бандига мувофиқ **"Ногиронларни, шу жумладан, касб бўйича меҳнатга лаёқатини йўқотганликнинг фоизлари бўйича даражасини аниқлаш учун қайта тиббий текшириш 6 ойда бир ёки 2 йилда бир марта ўтказилади".**

Тиббий меҳнат экспертизасининг хулосасидан келиб чиқиб, сизнинг ногиронлик гуруҳингиз ва унга тайинланадиган нафақа миқдори аниқ бўлади.

Шундан келиб чиқиб, сиз ўзингизнинг ногиронлик гуруҳингизни аниқлаштириш учун тиббий меҳнат экспертизасига мурожаат этишингиз лозим.

Саволга Саломат НИЁЗОВА жавоб берди.



Шаршара

Mitti maslahat

БОЛА ҚАЧОН ТАКРОРАН ФАРЗАНДЛИККА БЕРИЛИШИ МУМКИН?

Ҳаёт азалдан мураккаб яралган. Киши унда турли-туман воқеа-ҳодисаларга рўбарў келиши мумкин. Айтайлик, одамзот боласи фарзандни келажак давомчиси, деб билади. Шунинг учун фарзанд дунёга келганда беҳад қувонади. Бунинг устига кимдир фарзанди йўқлиги учун фарзанд асраб олса, кимдир бирор-бир ғаразли мақсадда (масалан, 4 болали оила бешинчи болани фарзанд қилиб, муддатидан олдин пенсияга чиқиш, кимдир вафот этган турмуш ўртоғининг боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олиш мақсадида невараларидан бирини фарзандликка олади) буни амалга оширишга ҳаракат қилади. Ана шундай ноҳуш воқеаларнинг олдини олиш ҳамда бола манфаатларини ҳимоя қилишни назарда тутилиб, фарзандликка бола олиш жараёни ҳам қонунларимиз томонидан қатъий назорат қилинади.

Шунингдек, қонунда болани такроран фарзандликка олиш амалиёти ҳам эътиборан четда қолмаган.

Хусусан, "Оила" кодексининг 162-моддасига кўра, фарзандликка олиш тўғрисидаги биринчи қарор суд тартибида бекор қилингандан кейингина боланинг такроран фарзандликка олинишига йўл қўйилади.

Энди мазкур модда шарҳига назар ташлайдиган бўлсак, боланинг такроран фарзандликка олинишига фарзандликка олиш тўғрисидаги биринчи қарор белгиланган тартибда Оила кодексининг 168-169 моддаларида кўрсатилган асосларга мувофиқ суднинг ҳал қилув қарори билан бекор қилинган ҳоллардагина йўл қўйилади. Болани фарзандликка олувчининг вафот этгани, кейинчалик муомалага лаёқатсиз, бедарак йўқолган деб топилиши ёки вафот этган деб эълон қилиниши болани такроран фарзандликка олинишига асос бўла олмайди. Бундай ҳолатларда болани ёшидан келиб чиққан ҳолда унинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун васий ёки ҳомий тайинланиши ёхуд у тутинган оилага тарбияга берилиши мумкин.

Хуллас, юртимизда болалар манфаати ҳар нарсадан устун бўлиб, у қонун билан ҳимоя қилинади.

Азизбек АШУРОВ

ҚАБОҲАТГА УНДАГАН ИЧКИЛИК

СУД ОЧЕРКИ

Йўлдошали ака туни билан мижжа қоқмай чиқди. Ўғли Эргашалидан уч кундан буён дом-дарак йўқ. Тўғри, унинг гоҳ-гоҳида қўшни қишлоқдаги дўстларининг уйида қолиб кетадиган одати бор. Аммо у нари борса, бир-икки кундан ортиқ қолиб кетмасди.

Мана шуларни ўйлаб, тонг оттирган ота энди хавотирланиб ўғлини қидиришга тушди. Аввал маҳалла-кўй, сўнгра қўшни қишлоқдаги ўғлининг ошна-оғайниларидан сўраб-суриштирди. Лекин ҳеч қаердан ўғлининг дараги чиқмади.

I. ЯКУНИГА ЕТМАГАН УЛФАТЧИЛИК

Шокир Поп туманининг Янгиер қишлоғида яшайди. У муқаддам қасддан баданга оғир шикаст етказиш жинояти билан судланди-ю, бироқ бундан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмади. Аксинча, яна дайдиб юришни қўймади, ичкиликка муккасидан кетди. Отасининг панд-насиҳатлари бу қулоғидан кириб, у қулоғидан чиқди.

Эргашали эса унга жуда "пар" келган. Ораларидан "қил" ўтмайди. Шунинг учун бўлса керак кўпгина масалаларда фикрлари бир жойдан чиқар, ҳар иккиси ҳам Ғурумсарой деҳқон бозорида сомса ёпиб сотиб, тирикчилик қилишарди. Бозордаги ишларида ёрдамлашиб юргани боис Баҳриддин аканинг ўғли Нодир ҳам баъзида улар билан бирга эди.

Ўша куни ҳаммаси ишга кетгандан кейин Шокир ва нима қилаётганини ўзи англамаган ҳолда Эргашалининг бадан-нига яна бир неча марта пичоқ урди. Бу даҳшатга ортиқ чидай олмаган Нодир эса қўрқиб қочиб кетди. Шокир уни қувлаб кўчага чиқди-ю, бироқ мастлиги туфайли унинг қаёққа қочганини англолмай қолди.

Нодир қаттиқ қўрқувга тушган, ярим тунгача далада, бўғдойзорда яширинib ётди. У нима бўлганда ҳам, Шокирнинг қўлига тушмаслик ҳақида ўйларди.

Бу орада Шокир Нодирнинг уйига келди. У кириб борганда ҳовли сув қуйгандек жим-жит, хонадон соҳиблари аллақачон уйқуга кетишганди. "Меҳмон" рўпарадаги хонада ётган Нодирнинг акаси Баҳодирни турти уйғотди:

— Нодир келдими?

Орадан бир ҳафта ўтгач, қўшни қишлоқдаги Исомиддин билан Россияга жўнаб кетди.

II. ДАРВОЗА ОСТИДАГИ ХАТ

Йўлдошали ака ўғлини қидириб юрган учинчи куни ҳамқишлоғи Абдукаримга дуч келди ва унга ҳам дардини айтди.

— Ҳаммасини Нодир билади, ундан сўранг, —деди Абдукарим, — чунки жума куни мен ўғлингиз, Шокир, Нодир учаласини бирга кўргандим. Улар мени улфатчиликка таклиф қилишди. Лекин мен бормадим.

Абдукаримнинг бу гапларини эшитиб Йўлдошали ака шу заҳотиёқ Шокирни излашга тушди. Боиси у айтган кун ўғли уйга қайтмаган кунга тўғри келарди-да. Фақат икки ҳафта деганда, Нодирни учратди, холос. Аммо йигитчадан садо чиқмади. Фақат Йўлдошали ака ўша куни уйига қайтганда қизи Зиёда қўлига имзосиз бир хат тутқазди. Хатда "Эргашалини Шокир йўқ қилган. "02"га хабар бер!" деб ёзилганди.Зиёда хатни дарвоза тагидан топиб олганлигини айтди. Шундан сўнг ота бечора хатни олиб прокуратурага мурожаат қилди.

III. ТАЪҚИБ ЭТГАН РУҲ

Шокир четда ҳам тинч юролмади. Чунки Эргашалининг жонсиз танаси кўз олдида гавдаланиб, руҳи эса таъқиб қилаверди. Ва кечаси ҳаловат бор, на кундузи. Охири бир танишига дардини айтди. Ўша таниши эса ундан аввалроқ келиб ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига хабар берди.

Орадан икки ярим ой ўтгандан кейин Шокир ҳам ортиқ чидай олмади. Уйга қайтиб келди ҳамда тегишли идорага бориб бўлган воқеани рўй-рост гапириб берди.

Яқинда жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят суди мазкур жиноят иши юзасидан адолатли ҳукм ўқиди. Судда Шокирдан ташқари Нодиржон, унинг онаси Парпижон опа ҳамда акаси Баҳодирга ҳам тегишли жазо тайинланди. Нега деганда, қотиллик ҳақида Нодир онаси ва акасига гапириб берган бўлса-да, уларнинг бирортаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларини бундан ўз вақтида хабардор қилмаган.

IV. ҚАБИҲЛИКЛАР ДОЯСИ

Муқаддас қитобларда ичкиликка шундай таъриф берилади. Дарҳақиқат, у кишининг қилаётган ҳаракатларига жавоб бера олмайдиган ҳолатга туширади, инсонийлик қиёфасини йўқотади. Шокир ҳам худди шу аҳволга тушди. Ичкилик унинг кўзини кўр, қулоғини кар қилиб қўйганди. Онаси ва Раҳмат аканинг хотини Мастонбиби опанинг судда кўрсатма беришларича, Шокирнинг тинимсиз маст бўлиб ҳуда-беҳуда жанжал қилаверишидан безган отаси у билан борди-келдини узган. Бу эса унга берилган тарбиянинг ҳам меваси...

Бу фақат бир жойдаги битта ҳолат. Аммо ичкиликнинг жамиятимиз тараққиёти йўлида ғов бўлаётгани эса барчани бирдек ташвишга солиши лозим. Зеро, унинг нохуш оқибатларидан ҳеч ким азият чекмасин.

Муҳаммадихон ЖЎРАЕВ,
ҳуқуқшунос
Хуршид СУЛТОНОВ,
журналист

Nadomat

Jinoyat olamida

ЁМОНДАН ҚОЛГАН "ДОД"

Дунёнинг ишлари қизиқ. Ҳаётда кимдир яхши амаллари билан тарихда қолса, яна кимнингдир ёвуз қилмишини одамлар узоқ вақт надомат билан эслаб юради.

Энг муҳими, тарихда ҳеч қачон жиноят жазосиз қолмаган. Қуйида тарихнинг турли даврларида ёвуз кимсалар томонидан содир этилган мудҳиш жиноятлар ва уларга нисбатан қўлланилган жазолар ҳақида фикр юритилади.

"ЎҒЛИМ УЧУН НИМАДИР ҚИЛДИМ!"

Жорж Маккей (уни Жон Уильямс ҳам деб аташарди) 1912 йилнинг октябр ойида ўлим жазосига ҳукм қилинади. У Артур Уоллс исм-шарифли полициячининг ўлимида айбланган эди. Маккейнинг жиноят иши тарихга киришининг ҳам ўзига хос сабаби бор. Чунки экспертиза тарихида илк марта баллистик экспертиза ўтказилиб, Маккей ана шу экспертиза хулосасига кўра, осиб ўлдириш жазосига ҳукм қилинган.

Ҳукм 1913 йилнинг январ ойида ижро этилиши белгиланган, Жорж яқиндагина кўзи ёриган хотини билан учраштиришни сўрайди. Бу унинг сўнгги илтимоси эди. Шу боис суд учрашувга рухсат беради. Маккей биринчи марта кўриб турган ўғлини қўлига олар экан, унинг оғзига маҳбуслар нонидан бир бўлак солади ва шундай дейди:

— Қани энди бирор кимса Жорж Маккей ўғли учун ҳеч нима қилмаган, деб кўрсинчи...

Ана шундан кейингина Жорж Маккей дор остига йўл олади.

БУНАҚАСИ КАМ БЎЛАДИ

Дарҳақиқат, жиноятнинг, шунга яраша жазонинг ҳам турлари кўп. Лекин бунақаси камдан-кам бўлади. Сеҳргарлик учун ўлим жазосининг энг сўнггиси Европа, аниқроғи, 1775 йилда Польшада қўлланилган. Узоқ давом этган ва дунёга машҳур бўлган ушбу жиноий ишда 9 нафар аёлнинг иблис билан мулоқот қилгани ўз исботини топган (!) ва улар осиб ўлдириш жазосига ҳукм қилинган. Буни қарангки, шайтон билан "шартнома"лари бўлишига қарамасдан, уларни бу жазодан нақд иблиснинг ўзи ҳам олиб қололмаган экан...

Чунки ҳукм халқнинг кўз ўнгида амалга оширилган.

УНУТИЛГАН МИХ

Рим Папаси Пия Бешинчи хазинабонининг ўғли Франческо Ченчининг номи разил хулқатвори туфайли тарихда қолган. Унинг ахлоқсизлигидан ўз қизи Беатрича ҳам четда қолмаган. Бироқ кейинчалик бундан хабар топган Беатричанинг қаллиғи — Римнинг машҳур зодагонлари сулоласининг вакили — Гуэрро ўзининг бўлажак қайнотасини жисман йўқ қилишга қарор қилади.

Унинг бу қарорини эрининг ғайриинсоний муносабатларидан безор бўлган Ченчининг хотини ва қизи Беатрича ҳам қўллаб-қувватлайди. Ҳатто уй хизматкорлари ҳам қотилга "ўз беминнат ёрдам"ларини таклиф этади. Ўз тарафдорлари бунчалик кўплигини кутмаган Гуэрро тезда ишга киришади ва икки нафар жиноятчи — ёлланма қотиллар билан тил бириктиради. Шунингдек, Гуэрро ёлланган қотилларга Ченчи ўлими олдидан имкон қадар кўпроқ қийналиши керак, деган талабни қўяди. Хазинабон отасидан қолган кўҳна қасрда яшайдиган Ченчининг жасади деразадан пастга улоқтирилиши ва бу текширувчиларнинг "тасодифий ўлим", деган хулосага келишлари учун асос бўлиши ҳам аввалдан режалаштирилган эди. Ҳатто унинг "деразадан бехос йиқилиб тушганини ўз кўзлари билан кўрган" гувоҳлар — уй хизматкорлари ҳам олдиндан "ўқитиб" қўйилади.

Одатдаги сўзлашувда ҳам "агар ҳамма нарса режалаштирилганидек бўлганида эди", деганга ўхшаш афсуснома гапларни кўп эшитганмиз. Ҳатто машҳур шоирларимиздан бири ана шу "агар-магар"лар ҳақида шеър ҳам битган. Хуллас, биз қаламга олаётган ушбу жиноят ишида ҳам айнан мана шу "агар-магар"лар панд беради...

Йўқ. Хулоса чиқаришга шошилманг. Қотиллик амалга ошмади эмас, ошди. 1598 йил 10 сентябрнинг ярим тунида ёлланма қотиллар Ченчининг хобхонасига бостириб киришади. Аввалдан келишилганидек, уни уришади, тепишади, хуллас, ваҳшийларча азоб беришади. Шундан сўнггина худди келишилганидек, унинг жасадини қасрнинг баланд деразасидан қоя тошлар устига улоқтиришади...

Аввалига ҳаммаси режа бўйича кетаётган эди. Суриштирув ишларида бир неча гувоҳлар Ченчининг "бехосдан деразадан йиқилиб тушганини ўз кўзлари билан кўришганини" айтишади. Суриштирувчилар ҳам бу кўрсатмаларга ишонишган эди. Агар...

Ҳа, агар марҳум Ченчининг кўзига 20 сантиметрлик мих қоқилиб қолмаганида...

Тўғри, баланд қаср деразасидан қоятошлар устига улоқтирилган жасаднинг тан жароҳатларини аниқлашнинг ўзи бўлмас эди. Афсуски, "қизишиб" кетган ёлланма қотиллар Ченчининг кўзига "қоққан" михни "суғуриб" олишни унутиб қўйишган экан. Агар улар Ченчининг кўзига мих қоқмаганларида эди, ҳамма иш Гуэрро режалаштиргандек бўлиб чиқиши тайин эди.

Мана шу биргина "агар"нинг оқибатида Ченчининг бўлажак куёви Гуэрро, қизи Беатрича, хотини ва унинг "бехосдан йиқилиб тушганлиги" ҳақида гувоҳлик берган хизматкорлари ҳам ўлим жазосига ҳукм қилинади.

Ўша давр судининг ҳукмига кўра, "буюртмачи"лар ва ёлланма қотиллар тириклай гулханда ёқилади.

Ўзининг ғайриинсоний хатти-ҳаракатлари учун ғайриқонуний усулда жазоланган Ченчи ўлимидан сўнг ҳам ўз қотилларидан ана шундай "ўч" олган.

ОМАДЛИ ҚОТИЛ

Жиноятчилик тарихида олий жазога лойиқ жиноят содир этиб, қандайдир тасодиф туфайли жазодан қутулиб қолган жиноятчилар ҳам учраб туради. Мисол учун америкалик Альфред Пакерни олиб кўрайлик. Пакер 1873 йилнинг кузида АҚШнинг Юта штатига қарашли Сан-Хуан тоғларига отланган олтин қидирувчилар сафида сафарга чиқади. 20 нафар кишидан иборат экспедиция узоқ оворагарчиликлардан сўнг иккига бўлинади. Ўн нафар аъзоси бўлган биринчи гуруҳ қишнинг ўрталарида Солт-Лейк-Сити шаҳрига қайтади. Иккинчи гуруҳ эса, тоғлар бағрида дом-дараксиз ғойиб бўлади.

...Ва ниҳоят, 1814 йилнинг баҳори, аниқроғи, март ойида Солт-Лейк-Сити шаҳри кўчаларида Альфред Пакер пайдо бўлади. Унинг сўзларига қараганда, Пакер оғир касал бўлиб қолган. Шундан сўнг уни шериклари ташлаб кетишган. Шу куйи Альфред уларнинг тақдиридан бутунлай бехабар эмиш...

Бошқа бирор-бир гувоҳ бўлмаганлиги учун ҳам ҳамма Альфред Пакернинг сўзларига ишонишга мажбур эди. Агар...

Бу жиноий ишда ҳам биргина "агар" Пакерга панд бериб қўяди.

Гап шундаки, ўша йилнинг июн ойида навбатдаги сафарга отланган олтин қидирувчилар гуруҳи Пакер билан ҳамсафар бўлган беш кишининг жасади қолдиқларига дуч келишади. Текширувлардан маълум бўладики, уларнинг барчаси орқа томондан отилган ва таналаридаги юмшоқ қисмлар ўткир тиғли жисм билан кесиб олинган. Маълум бўладики, Альфред Пакер ўз шерикларини бирин-кетин отиб ўлдирган ва уларнинг гўштларини истеъмол қилган. Шундан кейингина Альфред Пакер каннибализм — одамхўрликда айбланиб, судга тортилади. Пакер суд муҳокамаси давомида ўзининг айбларини қисман тан олади. Лекин суд тугамасдан турмадан қочишга муваффақ бўлади.

Узоқ қидирувлардан сўнг, аниқроғи, 1883 йилга келиб-гина Юта штати ҳуқуқ ҳимоячилари Альфред Пакерни қўлга оладилар. Лекин қутилмаганда бу сафар уни бор-йўғи бир кишини ўлдирганликда айблайдилар. Шу билан биргаликда, иккинчи суд жараёни давомида Пакерга қўйилган каннибализм — одамхўрлик ҳақида лом-мим дейилмаган.

Қисқаси, Альфред Пакер биргина қотилликда айбланиб, ўлим жазосига ҳукм этилади. Буни қарангки, Пакернинг аппеляция шикоятини кўриб чиққан суд ҳайъати унга нисбатан яна-да, "мехрибон"роқ чиқиб қолади ва ўлим жазосини бекор қилиб, 40 йиллик қамоқ жазоси белгилайди. Яна бизга номаълум бўлган сабабларга кўра, Пакер турмада ҳам узоқ ўтирмайди. Орадан роппа-роса саккиз йил ўтиб, яъни 1901 йилда Альфред Пакер авф этилади ва 1907 йили озодликда ўз ажали билан вафот этади.

Хориж оммавий ахборот воситалари материаллари асосида И. ҲАМРОЕВ тайёрлади.

ИНСОН ва ҚОНУН
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади
2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган
Бош муҳаррир: Шодикул ҲАМРОЕВ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Бўриқош МУСТАФОЕВ, Пўлат САМАТОВ, Ҳуршид СОДИҚОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Ғафур АБДУМАЖИДОВ, Маҳмуд САТТОРОВ, Ислом ҲАМРО, Ҳолли НОРБОЙ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ
Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.
Саҳифаловчи-дизайнер: Жаъфар ЖАББОРОВ
Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ
Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-117. Тиражи — 7.000. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди —
МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50
1 2 3 4 5 6